
**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
JOURNAL OF LAW RESEARCH

2019 №6



TOSHKENT-2019

Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали // Журнал правовых исследований //
Journal of law research

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан 22.06.2017 йилда,
1175-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтказилган.
Зарегистрировано свидетельством # 1175 от 22.06.2017г.
Агентством печати и информации Республики Узбекистан
The journal of law research was registered by the certificate # 1175 from 22.06.2017.
The Press and Information Agency of the Republic of Uzbekistan

Бош муҳаррир
Главный редактор
Chief Editor
проф. д.ю.н., проф.
(Doctor of Law, Professor)
Абдурасулова Кумринисо Раимқулловна

Бош муҳаррир ўринбосари
Заместитель главного редактора
Deputy Chief Editor
к.ю.н., доцент
(Candidate of Law, Associate professor)
Файзиев Шохруд Фармонович

"Ҳуқуқий тадқиқотлар" журнали таҳририй
маслаҳат кенгаши

International Editorial Board of the journal
Международный редакционный совет журнала
"Правовые исследования"

12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи / Теория права и государства, История правовых учений / Theory of law and state, History of legal doctrines

Ю. ф. д., проф. Ҳалимбой Бобоев
Ю. ф. д., проф. Ахмедшаева Мавлюда
Ю. ф. д., проф. Мухиддинова Фирюза
Ю. ф. д., проф. Адилходжаева Сурайё
Ю. ф. д., проф. Сатторов Абдуғаффор

Yosuke Shamoto
(Japan)
д.ю.н., проф. Артур Гамбарян
(Республика Армения)

12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ, Маъмурий ҳуқуқ, Молия ва боғхона ҳуқуқи / Конституционное право; административное право; финансовое право / Constitutional Law; administrative law; financial right

Ю. ф. д. Гулчехра Маликова
Ю. ф. д. Хусанов Озод
Ю. ф. н. Хван Леонид Борисович
Ю. ф. д. Силиманова Светлана

Sung Un Lee
(South Korea)
д.ю.н., доц. Пешкова Христина Вячеславовна
(Российская Федерация)

12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тadbиркорлик ҳуқуқи. Oila ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ / Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право / Civil law; Business law; family law; Private international law

юримдик фанлар доктори, профессор Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Оқюлов Омонбой, Рузиназаров Рустам, Рузиев Шухрат, Шомухамедова Замира, Баратов Миродил, Бобоқул Тошев

Dr. Ahmad Issa Altweissi (Jordan)

12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳақамлик жараёни ва медиация / Гражданское процессуальное право; хозяйственное процессуальное право, арбитражный процесс и медиация / Civil Procedure Law; Economic procedural law, arbitration process and mediation

юримдик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Ғсанова Замира Нормуродовна, Ғгамбердиев Эминжон, Мамасидиқов Музаффар

Jason A. Cantone Federal court center (USA)

12.00.05 - Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи / Трудовое право; право социального обеспечения / The Labor law; Social security law

Ю.ф.д., проф. Усманова Муборак Акмалхановна,
ю.ф.н., доц. Гасанов Михаил Юриевич, ю.ф.н., доц.
Сатторова Гулноза ю.ф.н., доц. Муродова Гулнора

д.ю.н., проф. Денисов Глеб (Российская Федерация)

12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ / Природоресурсное право; аграрное право; экологическое право / Natural resource law; Agrarian law; Environmental law

Ю.ф.д., проф. Файзиев Шухрат Хасанович, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист ю.ф.н, доц. Скрипников Николай Кузмич, ю.ф.д., проф. Усмонов Муҳаммади Бахридинович, ю.ф.д., проф. Холмўминов Жума, ю.ф.д., проф. Жўраев Юлдаш Ачилович

Долгополов Кирилл Андреевич (Российская Федерация)

12.00.07 - Суд ҳоқимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура / Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация правоохранительной деятельности. Адвокатура / The judicial authority. Prosecutor supervision. Organization of law enforcement activities. Advocacy

Ю.ф.д., проф. Пўлатов Бахтиёр Халилович, Ю.ф.д. Саломов Баҳром Саломович, ю.ф.н., доц. Салаев Нодирбек Сапарбаевич (Тошкент давлат юридик университети)

James V. Eaglin Федерал суд Маркази (АҚШ) д.ю.н., проф. Кайрат Осмоналиев (Қирғизистон Республикаси) к.ю.н., доц. Сергей Шошин (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Алексей Кибальник (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Кудрявцев Владислав Леонидович (Российская Федерация)

12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи / Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право / Criminal law and criminology; Criminally-executive law

Ю.ф.д., проф. Кабулов Рустам, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.д., проф., Рустамбаев Мирзаюсуп Ҳакимович, ю.ф.д., проф. Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, ю.ф.д., проф. Зуфаров Рустам Ахмедович, ю.ф.д., проф. Тахиров Фарход, ю.ф.д., проф. Исмоилов Исомиддин, ю.ф.д. Мирзаев Азиз

Matthew Light (Canada), проф. Юлдошев Рифат Раҳмаджонович (Республика Таджикистан), д.ю.н., проф. Елене Антония Александровна (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Жансараяева Рима Ернатовна (Республика Казахстан), Кирил (Российская Федерация)

12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси / Уголовный процесс, криминалистика, оперативно-розыскное право и судебная экспертиза / Criminal procedure, criminalistics, operative-search law and judicial examination

Ю.ф.д., проф. Иноғомжонова Зумратхон Фатхуллаевна, ю.ф.д., проф. Пўлатов Юрий Сайфиевич, ю.ф.д. Мухиддинов Фахриддин, ю.ф.д., проф. Тулаганова Гулчехра Заҳитовна, ю.ф.д. Миразов Даврон

Kevin Curtin (USA), Jurgen Maurer (Germany), д.ю.н., проф. Стойко Николай Геннадьевич (Российская Федерация), Проф. Рыжаков Александр Петрович (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Зайниддин Искандаров (Республика Таджикистан), Проф. Сергей Пен (Республика Казахстан), доц. Алексей Пурс (Республика Беларусь)

12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ / Международное право / International law

Ю.ф.д., проф. Исмоилов Баҳодирюридик, ю.ф.д., проф. Маткаримов Гулчехра, ю.ф.н., проф. Юлдашева Говержан

Alexander Trunk (Germany)

Намрага тайёрловчи: Ҳамидов Нурмуҳаммад

**Контакт Редакция журнала Правовых исследований:
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000**

**Editorial staff of the journal Law Research:
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6, Mehriyigo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz Phone: (+998-94) 404-0000**

**12.00.07 - СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. АДВОКАТУРА**

Давлетов Ўткирбек Матмуротович

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия
ҳарбий-техник институти докторанти, майор



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-6-1>

**ҲАРБИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

Аннотация: мақолада ҳарбий суд фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралиги ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган чораларини таклиф қилиш масаласи эътиборга олинган.

Калит сўзлар: ҳаракатлар стратегияси, ҳарбий ҳуқуқ, ҳарбий суд-ҳуқуқ тизими, одил судлов, очиқлик ва ошкоралик ҳамда хориж тажрибаси.

Давлетов Уткирбек Матмуротович

Докторант Военно-технического института
национальной гвардии Республики Узбекистан,
майор

**НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ
ВОЕННОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА**

Аннотация: статья посвящена предложению мер по обеспечению открытости и прозрачности судебных разбирательств в военном суде и верховенства закона.

Ключевые слова: стратегия действий, военное право, военно-судебная система, справедливость, прозрачность и открытость, а также международный опыт.

Davletov Utkirbek Matmurotovich

Doctoral student of the Military Technical
Institute of the national guard Republic of
Uzbekistan, major

**SOME ISSUES OF IMPROVING THE EFFICIENCY OF MILITARY
JUSTICE**

Annotation: the article is devoted to proposing measures to ensure openness and transparency of court proceedings in the internal court and the rule of law.

Key words: strategy of action, military law, military judicial system, justice, transparency and openness, as well as international experience.

For citation: Davletov Utkirbek Matmurotovich. SOME ISSUES OF IMPROVING THE EFFICIENCY OF MILITARY JUSTICE. Journal of Law Research. 2019, 6 vol., issue 1, pp. 4-7

Мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашда, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ва холисона ҳимоя қилинишида Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий судлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ўз навбатида профессионал ҳарбий судлар армиямизда ҳарбий интизомни янада мустаҳкамлашга, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қонунчиликка оғишмай риоя қилишларига, қолаверса Ватанимиз Қуролли Кучлари салоҳиятини янада оширишга муносиб ҳисса қўшади.

Шу маънода, ҳарбий хизматчиларнинг кафолатланган ҳуқуқлари ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш масалалари мавжуд қонунчилик тизимининг ўзига хос хусусиятларини ва қонунчиликни ривожлантириш соҳасидаги миллий ва тарихий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасидан фойдаланиш тавсия этилади.

Албатта, бу жараёнда эътироф этилиши ва ҳал қилиниши керак бўлган, ўз ечимини қутаётган муаммоларни ҳарбий ҳуқуқ доирасида ва ҳарбий соҳа вакиллари иштирокида чуқур таҳлил қилиш ҳарбий суд фаолиятини янада такомиллаштириш учун тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолати орасида бошлиқларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи алоҳида аҳамиятга эга. Бироқ улар томонидан турли сабабларга кўра (шикоятлар бўйича суд процессига тааллуқли меъёрлар тизимида уларнинг мураккаблиги, субъектнинг ўзига хослиги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақоми билан тавсифланган ҳарбий жиҳатлари ва бошқалар) шикоят қилинмаслиги ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Бу борада биз шуни унутмаслигимиз керакки, ҳарбий хизматчининг даъво қилиш ҳуқуқи фақат даъвогарнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан чекланиб қолмасдан, балки қўшинлар ўртасида қонунчилик тартиботини таъминлашга, ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга ёрдам бериб, ҳарбий маъмуриятнинг фаолиятида самарали назоратни амалга оширади.

Бундай ёндашувларни ҳуқуқ тизимида мустаҳкамлаш ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд томонидан ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги билан боғлиқ масалаларни самарали ҳал этишга, шунингдек, мамлакатнинг мудофаа ва хавфсизлигини таъминлашга имкон беради.

Шу маънода, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида сўнгги икки йил давомида амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган янги қонунлар халқимизнинг тинч турмуш фаровонлигини таъминлашга, ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишига, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга, судлар фаолияти самарадорлиги салоҳияти ва нуфузини, одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади. Жумладан, "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги[1], "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги[2] ҳамда "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончли ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги[3] фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги Қонунига, Фуқаролик процессуал ва Ҳўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш

ва қўшимчалар киритиш билан маъмурий ва иқтисодий судлар фаолиятининг тегишли ҳуқуқий базаси яратилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан суд тизимини такомиллаштириш, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш даражасини оширишга қаратилган ташкилий чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан:

- адолатнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш;
- одил судловни амалга ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш, уни янада қулайроқ қилиш;
- судьяларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш;
- суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари фаолиятининг самарадорлиги ва сифатини ошириш;
- фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш.

Амалга оширилган ва оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси ўлароқ Қуроли Кучларимиз бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, "жамиятимизнинг ажралмас бир қисмига, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг кафолатига, ҳарбий хизматчилар ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланмоқда"[4].

Шуни ишонч билан таъкидлаш жоизки, ҳарбий судлар ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳарбий қонунчиликка оғишмай риоя қилишга, энг муҳими, халқимиз ишончини қозонишга қаратилган фаолиятлари билан Ватанимиз Қуроли Кучлари салоҳиятини янада оширишга бундан кейин ҳам муносиб ҳисса қўшадилар.

Ана шундай улкан мақсадларни амалга оширишда ҳарбий суд ишлари юритиш соҳасидаги баъзи бир муаммоларни муҳокамангиз марказига қўйишни лозим кўрдик.

Айтайлик, тарафлардан бири ҳарбий хизматчи бўлган жиноят ишлари ҳарбий суд судловига тегишли бўлгани каби фуқаролик ва маъмурий ишларда, шунингдек иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ бўлган ишларда ҳам бир тараф ҳарбий ташкилот ёки муассаса бўлган ҳолларда (давлат ва ҳарбий сирларни хисобга олиб) бу турдаги ишларни ҳарбий суд тартибда кўриш тизимини жорий этиш мақсадида "Ҳарбий суд ишларини юритиш" кодексини ишлаб чиқиш, шунингдек ҳарбий жиноятлар бўйича жазоларни либераллаштириш, альтернатив жазо чораларини кучайтириш ва ҳарбий суд аппарати ходимлари томонидан амалга ошириладиган вазифалар тақсимотини белгилаш учун "Намунавий мансаб йўриқномаси"ни ишлаб чиқиш лозим.

Шу билан бир қаторда, ҳарбий хизматчиларни Низомга зид хатти-ҳаракатлари учун қўлланиладиган интизомий ҳибс (қамок) жазо чораси Ўзбекистон Республикаси ЖИК 244-моддаси 4-қисмида белгиланган талаблар ҳудудларда гауптвахталар фаолияти тугатилганлиги (Тошкент комендатурасидан ташқари) учун интизомий қисмга жўнатиш ва ушлаб туриш тартиби аниқ белгиланмаган, механизми ишлаб чиқилмаган. Ҳудудларда гауптвахталар фаолиятининг тугатилганлиги сабабли интизомий қисмга жўнатилиши ёки ушлаб турилиши белгиланган ҳарбий хизматчиларни Тергов хибсхоналарида ёки ҳарбий қисмларда сақланиши ёки ушлаб турилиши мумкин эмас. Шу сабабли, ҳудудлардаги ҳарбий қисмлар тизимида гауптвахталарни қаровул бошлиғининг ёрдамчиси назорати

остида ташкил этиш лозим. Шу ўринда, гауптвахталарда ушлаб туриш ёки сақлашдан кўзланган мақсад давлат ва ҳарбий сирларни сақлашга, давлат ва жамият тизимига қарши фикрлар шаклланмаслигига ва тарқатилмаслигига хизмат қилади.

Бугунги кунда қабул қилинаётган қонунларимиз буюк бир мақсад - халқ манфаатларига хизмат қилиш ғояси билан уйғунлашаётганлиги нуқтаи назардан ҳарбий судлар фаолиятида ҳам қайси тоифадаги ишлар очиқ ва қайси бирлари эса ёпиқ кўрилиши масаласини ваколатли мутахассислар доирасида қайта кўриб чиқиш ҳамда замонавий техник воситалар имкониятларидан кенг фойдаланиш йўли билан ҳарбий суд ишлари юриктишни такомиллаштириш даражасини янада ошириш лозим.

Фикримизча, ҳарбий судлар фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда одил судловни янада соддалаштириш, судда ишларни кўришда рақобат ва тезкорлик принципларини жорий этиш (РФ мафжуд) [5] ва бюрократик жараёнларни қисқартириш бўйича тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш, қонун лойиҳасида келишув битимини тузиш, мандатли судловни қўллаш доирасини кенгайтириш, далилларни масофадан тергов қилиш механизмини яратиш, видеоматериаллар орқали иш юритаётган шахсларнинг тушунтиришларини эшитиш, айрим тоифадаги низоларни бартараф этиш учун мажбурий дастлабки суд тартибини жорий этиш ва тўланган давлат божини қайтариш тартибини назарда тутиш лозим.

Бир сўз билан айтганда, ҳарбий судларда суд жараёнларининг аудиовизуал ҳисобга олиш тизимларини тўлиқ жорий этиш, нафақат процесс иштирокчиларини, балки судьяларни ҳам ўз ишига бўлган масъулиятини оширади. Ўз навбатида, суд процессига тарафларнинг шикоятларини камайишига олиб келади. Чунки, судаудио ёзувлари баённомасини тақдим этишда хатоликка йўл қўймайди ва адолатнинг ошкоралигини таъминлайди.

Иқтисоблар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan on measures to ensure more effective organization of the process of acquisition of rights over land parcels and other immovable property as part of the South Caucasus pipeline expansion project more ..., Article 43, article 497.)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 109-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.09.2017 й., 06/17/5195/0033-сон, 20.07.2018 й., 06/18/5487/1543-сон. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "on measures to radically improve the structure of the judicial system of the Republic of Uzbekistan and to improve the effectiveness of its activities" dated February 21, 2017 // collection of legislative acts of the Republic of Uzbekistan, 2017 y., No. 8, Article 109; national database of legislative data, 29.09.2017 y. Administration of this site avtomobi.az not responsible for the content of the announcement!, 06/18/5487/1543-San.)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончли ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон) (Decree of the president of the Republic of Uzbekistan "on measures to further improve the judicial system and increase confidence in the judicial authorities" dated July 13, 2018 № PF-5482 // (national database of legislative acts, 14.07.2018 y., 06/18/5482/1506-issue))

4. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгаши мажлисидаги "Қуролли Кучларимиз - мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг мустаҳкам кафолатидир" мавзусидаги нутқи. 2018 йил 10 январь (Speech of the president of our country Shavkat Mirziyoyev at the meeting of the Security Council on the topic "Armed Forces - a strong guarantee of stability and development of our country". January 10, 2018)

5. "О военных судах Российской Федерации" (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.01.2017). ("About military courts of the Russian Federation" (with izm. and DOP., entry in force from 01.01.2017)).

Шерзод Хуррамович Зулфиқоров

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти доценти,
Юридик фанлар номзоди



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-6-2>

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИНИНГ САЙЛОВ ОКРУГИДАГИ ҲАМДА ФУҚАРОЛАР МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мазкур мақолада Қонунчилик палатаси депутатининг сайлов округидаги фаолиятини кафолатловчи ҳуқуқий асослар; депутатнинг сайлов округидаги фаолиятини ташкил этиш; сайловчилар, аҳолининг мурожаатларини ўрганиш тартиби, сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлари; сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш тартиби, хорижий мамлакатлар тажрибалари, мазкур соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: депутат, депутат мандати, ҳуқуқий мақом, сайловчилар, сиёсий партия, фракция, сайлов округи, ахборот, мурожаатнома

Шерзод Хуррамович Зулфиқоров

Доцент Военно-технического института
национальной гвардии Республики Узбекистан,
кандидат юридических наук

ДАЛЬНЕЙШЕЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДЕПУТАТА ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЙ ПАЛАТЫ В ИЗБИРАТЕЛЬНОМ ОКРУГЕ И В ИНТЕРЕСАХ ГРАЖДАН

Аннотация. В этой статье правовые основы, гарантирующие деятельность депутата Законодательной палаты в избирательном округе; организовать работу депутата в избирательном округе; избиратели, процедуры изучения жалоб населения и взаимодействия с политическими партиями; порядок организации встреч с избирателями, опыт зарубежных стран, предложения и рекомендации по совершенствованию законодательства в этой области.

Ключевые слова: депутат, депутатский мандат, правовой статус, избиратели, политическая партия, фракция, избирательный округ, информация, обращение.

FUTHER IMPROVEMENT OF THE DEPUTY OF THE LEGISLATIVE CHAMBER IN THE ELECTORAL DISTRICT AND IN THE INTERESTS OF CITIZENS

Annotation. In this article, the legal framework that guarantees the activities of a deputy of the Legislative Chamber in an electoral district; organize the work of the deputy in the constituency; voters, procedures for examining public complaints and interaction with political parties; the procedure for organizing meetings with voters, the experience of foreign countries, suggestions and recommendations for improving legislation in this area.

Keywords: deputy, deputy mandate, legal status, voters, political party, faction, constituency, information, appeal.

For citation: Sherzod Khurramovich Zulfiqorov. FUTHER IMPROVEMENT OF THE DEPUTY OF THE LEGISLATIVE CHAMBER IN THE ELECTORAL DISTRICT AND IN THE INTERESTS OF CITIZENS. Journal of Law Research. 2019, 6 vol., issue 1, pp. 8-16

Экологик ҳаракати вакиллари билан учрашувда, "Олий Мажлис палаталари Вазиrлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда депутатларнинг ўрганишлари жараёнида жойларда аниқланган, вилоятлар ва республика миқёсида ҳал этилиши керак бўлган муаммоларни ечиш бўйича зарур чораларни кўришлар лозим" лигига алоҳида тўхталиб ўтган эдилар [1, Б.576 - 577].

Дарҳақиқат, Қонунчилик палатаси депутатлари халқнинг ишончли вакили сифатида аҳолининг, ўз сайловчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишлари, муаммоларни таҳлил қилиб ечимини топиш йўллари кўришлари лозим. Шундагина, депутат ва сайловчилар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик янада кучаяди, сайловчиларнинг уларга бўлган ишончи ортади.

Депутатлар фаолияти амалга оширилишининг муҳим шакларидан бири уларнинг сайлов округларидаги фаолиятидир. Ўзбекистон қонунчилигида депутатларнинг бу соҳадаги фаолияти учун ҳам маълум бир ҳуқуқлардан фойдаланиш имкони яратилган. Бу ҳуқуқлар депутатларнинг уларни сайловчилар билан доимий алоқа ўрнатиш имконияти мавжудлигида намоён бўлмоқда [2, Б.161]. Хусусан, депутат сайловчилар билан мунтазам алоқада бўлар экан, уларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси иш жараёни билан батафсил таништириб боради, шунга мувофиқ, депутатнинг сайловчилар билан учрашувлари муҳим ўрин тутати.

Мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, 2018 йилда жойларда ўтказилган ўрганишлар жараёнида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари аҳоли томонидан кўтарилган масалаларни жойида ҳал этиш чораларини кўрганлар ва бунинг натижасида 5 519 та (34,2%) масала жойида ҳал этилган. Хусусан, 420 нафарга яқин фуқаро иш билан таъминланди, 500 нафардан зиёд фуқарога тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун банк кредити олишда кўмаклашилди, 507 нафар фуқаронинг тиббий ва тиббий-ижтимоий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланган [3].

Мазкур маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, парламент аъзолари томонидан жойларда манзилли ишлар ташкил этилишти, фуқароларнинг тегишли масалалари ижобий жиҳатдан ҳал этилмоқда.

2019 йилдаги "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурининг, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишида, парламент аъзоларининг ҳар ой охири ҳафтасида ўз сайлов округига чиқиб, аҳоли ва сайловчиларни ташвишга солаётган муаммоларни тизимли равишда ўрганиб бориш амалиётини жорий этиш вазифаси юклатилган.

Бу эса ҳар ой якунида депутатлар аҳоли ва сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиб, муаммоли масалаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳам зарурий чоралар қўллаш масъулиятини олади.

Депутатлар вакиллик органи билангина эмас, балки сайлов округидаги бошқа давлат, жамоат ташкилотлари ва бевосита фуқаролар билан мулоқотларда давлат ҳокимиятининг вакили сифатида иш кўради. Сайлов округи - ижтимоий, иқтисодий жабҳаларга тааллуқли муаммолар ечимини топиш учун фаолият кўрсатадиган депутатнинг мураккаб ва кўп қиррали иш жойидир. Депутат Олий Мажлис қабул қилган қонунларни ҳаётга татбиқ этувчи, амалга оширувчи, ушбу жараён ташкилотчиси сифатида иш олиб боради [4, Б.41].

Профессор А.Т.Тўлагановнинг фикрига кўра, депутатлар фақатгина давлат ҳокимияти вакиллик органларининг аъзоси эмас, балки ўз сайловчиларининг ишончли вакиллари ҳамдир. Шу нуқтаи назардан, бу масала бўйича асосан икки хил жамоавий муносабат мавжуд: 1) бир томондан, депутат, Кенгаш ва унинг органлари; 2) иккинчи томондан, депутат ва сайловчилар [5, Б.163].

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги қонуннинг 9-моддасида, депутатнинг сайловчилар билан, сиёсий партия билан олиб борадиган ишлари белгилаб берилган [6]. Хусусан, депутат ўз округи сайловчилари, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқа боғлаб туради, Қонунчилик палатасида уларнинг манфаатларини ифода этади.

Дарҳақиқат, депутатлар биринчи ўринда ўз номзодига овоз берган сайловчилар олдидаги масъулиятини чуқур англаши, уларнинг манфаатларига хизмат қилиши, иккинчидан, ўз номзодини Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатган сиёсий партия билан ўзаро алоқани унутмаслиги керак.

2018 йил 18 апрелдаги "Халқ депутатлари Маҳаллий кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида"ги қонунининг 1-моддасига киритилган тўлдиришга мувофиқ, депутатни уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган орган (сиёсий партия) олдидаги мажбуриятларини бажармаганлиги учун чақириб олиш мумкин эканлиги белгилаб қўйилди. Бу янги киритилган қоида албатта депутатларнинг масъулиятини ошишига, сиёсий партия билан ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қолаверса, депутатлар ўз партия манфаатларини ҳимоя қилишда, сиёсий партия фракциялари орқали тегишли қонунлар, дастурлар қабул қилишда, уни ижросини таъминлашда ўзининг фаоллиги билан бошқаларга намуна бўлишлари лозим.

"Беларусь Республикаси Миллий Мажлисининг Республика Кенгаши аъзоси, Вакиллар палатаси депутатининг мақоми тўғрисида"ги қонунига қарайдиган

бўлсак, ушбу қонуннинг учинчи бўлими 24-29 моддалари айнан депутатлар ва сайловчилар ўртасидаги муносабатларга бағишланганига гувоҳ бўламиз.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги қонуннинг 9 - моддасида, сиёсий партиялар фракциялари ҳар йили Қонунчилик палатасининг Кенгаши билан биргаликда депутатларнинг сайловчилар билан сайлов округларидаги ишлари учун мўлжалланган вақтни белгилайди.

Россия, Беларусь, Украина давлатлари парламент аъзолари мақоми тўғрисидаги қонунларда депутатларнинг сайловчилар билан учрашув мuddатлари аниқ мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Россия давлатининг амалдаги парламент аъзоларининг мақоми тўғрисидаги қонунида ҳар ойнинг тегишли кунларида Россия Давлат Думаси депутатининг ўз сайловчилари билан учрашуви бўлиши белгилаб қўйилган [7, Б.34-66].

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловчилар билан учрашувлари чоғида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратишади. Хусусан: мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти, сиёсий партия фракциясининг фаолияти, унинг мамлакатни социал-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларига доир нуқтаи назари тўғрисида сайловчиларга ахборот беради; янги қабул қилинган қонунларнинг моҳияти ва аҳамиятини сайловчиларга етказди; қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши ҳолатини ҳуқуқнинг қўлланилиш самарадорлигини ва қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш заруратини аниқлаш мақсадида ўрганади; сиёсий партия фракцияси томонидан белгиладиган бошқа вазибаларни бажаради.

Президентимиз таъкидланганларидек, депутат ва сенаторларимизнинг жойларга чиқиб, аҳоли билан ўтказган мулоқотлари таҳлил қилинганда, кўп ҳолларда расмийлик ва кўзбўямачиликка, сохта ҳисоботларга беришга, учрашувларга ўз ўрнига бошқа одамларни юбориш, ўрганилаётган масаланинг туб илдизига етиб бормослик каби камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланган [8, Б.577].

Депутат сайлов округида ўз ваколатларини амалга ошириши учун тегишли ҳокимият вакиллик органининг назоратидаги ташкилотларда ўз сайлов округидаги фуқароларнинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масаланинг кўриб чиқишида иштирок этиш, сайловчилар, меҳнат жамоалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партияларнинг вакиллари билан учрашувлар ўтказиш ҳуқуқларига эгадир.

Профессор А.А.Азизхўжаевнинг фикрига кўра, "парламент қуёи палатасининг депутатлари ўзлари истиқомат қилаётган вилоят, туман ҳокимлари олдида ўзини кўрсатиш учун эмас, балки сайловчилар ва партиядаги сафдошлари олдида обрў олишига ҳаракат қиладилар. Бу эса мамлакатимизда давлат қурилишини либераллаштириш сари қўйилган муҳим қадам бўлади" [9, Б.6].

Қонунчилигимизга мувофиқ, Қонунчилик палатасининг Кенгаши депутатнинг сайлов округидаги ишларини ташкил этиш юзасидан сиёсий партиялар фракцияларининг фикрлари ва таклифларини инобатга олган ҳолда чоратадбирлар кўришилиги белгиланган. Депутатлар сайлов округига чиқишидан олдин сиёсий партия фракцияси ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан ҳужжатлар, зарур ахборот ва маълумот материаллари билан таъминланади. Негаки, ҳар бир депутат мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардан теран хабардор бўлиши,

етарли маълумотларга эга бўлиши, ҳар бир учрашувлар, суҳбатлар якунида тегишли масалаларни расмийлаштириш ҳужжатларини юритишлари лозим.

Зарурат туғилганда, қонунларнинг ижроси, давлат дастурларини ҳамда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадларини амалга ошириш юзасидан аниқ масалаларни ишлаб чиқиш учун сиёсий партиялар фракциялари ўз депутатларининг сайловчилар билан сайлов округларидаги ишларини ташкил этади. Якунда, сиёсий партиялар фракциялари депутатларнинг сайлов округларидаги ишларини умумлаштиради, зарур бўлган ҳолларда долзарб масалаларни Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритади.

Дарҳақиқат, сиёсий партия фракциялари ўз аъзоларининг сайлов округидаги фаолиятини манзилли ва самарали ташкил этиши, доимий назоратга олиши, олинган маълумотларни таҳлил қилиб, долзарб ва ечими қутилгаёган масалаларни Қонунчилик палатаси мажлисига муҳокама ҳамда ижобий яқун учун киритади.

Шу мақсадда сиёсий партия фракциялари ўз аъзоларининг фаолиятини доимий мониторинг қилиб, тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишлари лозим.

Ҳар бир депутат ўз ваколатларини амалга ошираётган экан, катта масъулиятни чуқур англаган ҳолда фаолият олиб бориши лозим. Шунингдек, мустақиллик принципи асосида фаолият кўрсатиши, яъни мустақил фикр ва мулоҳазаларига таянган ҳолда ўз сайловчилари, аҳоли олдидagi мажбуриятларини бажариши лозим. Шундагина унга нисбатан фуқароларнинг ишончи, ҳурмати шаклланади.

Давлатимиз Раҳбари таъкидлаганидек, депутатларнинг жойларда бўладиган учрашувлари ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали олдиндан, масалан, бир ҳафта аввал эълон бериш тартибини жорий қилиш, маҳаллий матбуот вакилларининг бундай тадбирларни танқидий нуқтаи назардан ёритиш бўйича фаолиятини кучайтириш керак [10, Б.577].

Ҳақиқатда ҳам, аҳолини депутатлар билан учрашувлардан олдиндан оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиниши, фуқароларимизнинг мазкур учрашувларни олдиндан билиши, ишларини режалаштириши, зарурий тайёргарлик ишларини кўришларида қулайлик яратиб беради. Мазкур тартибни "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги қонуннинг 9 - моддасида ҳуқуқий асослантирсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Профессор О.О.Мироновнинг фикрига кўра, барча давлатлар парламентларида депутатларнинг сайлов округи ва ҳудуддаги аҳоли билан муносабатлари тартибга солинган. Депутат сайловчилар томонидан ёзилган хатларга жавоб беради, уларни қабул қилиш жараёнини ташкил қилади, сайловчиларнинг таклиф ва шикоятларини ўрганиб чиқади, бу ҳолатлар бўйича қонун асосида тегишли чоратадбирларни амалга оширади ҳамда бажарилган ишлар юзасидан маълумот беради [11, Б.136].

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги қонунда депутатларнинг ўз сайловчиларидан тушган таклиф, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиши, уларни ўз вақтида ҳал этиш чораларини кўриши, сайловчилар олдида ўз фаолияти хусусида вақти-вақти билан ахборот бериб туриши белгилаб қўйилган. Масалан, унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати йилига камида бир марта ўз иши тўғрисида сайловчиларга ахборот бериб туриши назарда тутилган [12].

Мазкур қонунга мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг Қонунчилик палатасига келиб тушган мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда Қонунчилик палатасида жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг шахсий қабулини ўтказиш, депутатлар томонидан қонунга ҳамда Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Россия Федерацияси қонунчилигига эътибор қаратадиган бўлсак, Давлат Думаси депутати сайловчилар мурожаатларини кўриб чиқишга мажбурдирлар. Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси Регламентига мувофиқ, камида икки ойда бир маротаба фуқарони шахсан қабул қилиши белгилаб қўйилган [13].

Статистик маълумотлар шундан далолат берадики, 2018 йилда Қонунчилик палатасига - 2 448 та (33%), Қонунчилик палатаси Спикерининг номига - 2 328 та (31%), Спикер ўринбосарлари номига - 310 та (4%), қўмиталарга - 290 та (4%) ҳамда депутатларга - 2 134 та (28%) мурожаат келиб тушди. Таъкидлаш керакки, келиб тушган 1 006 та мурожаат такрорий

ва 48 таси анонимдир (2017 йилда 1 029 та та ва 32 та аноним мурожаат келиб тушган). Келиб тушган мурожаатларнинг 6 140 таси ёки 82% тегишли органларга уларда кўтарилган масалаларни атрофлича, ҳолисона кўриб чиқиш учун юборилиб, бу ҳақда мурожаат муаллифларига маълум қилинган, 1 201 таси (16%) юзасидан мурожаатчиларга тушунтириш берилган, 121 таси (1,6%) кўриб чиқилмоқда, 48 та (0,4%) мурожаат аноним бўлганлиги сабабли кўрмасдан қолдирилган [14].

1995 йил 6 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддасида Олий Мажлис депутатининг ҳисоботи сайловчилар талаби билан ҳам ўтказилиши мумкинлиги, депутатнинг ҳисоботлари сайловчилар ёки мазкур сайлов округи вакилларининг йиғилишларида эшитилиб, муҳокама ўтказилиб, тегишли қарор қабул қилиниши ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари оммавий ахборот воситалари орқали депутатларнинг ҳисоботлари ёритилишини таъминлаб бериши мустақамлаб қўйилган.

Бизнингча, депутатнинг сайловчилар билан муносабатлари хусусидаги ахборотлар махсус йиғилишларда кўриб чиқирилиши белгилаб қўйилса, фойдадан холи бўлмас эди. Шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатларининг ахборотларини маълум бир сайловчилар гуруҳлари ташаббуси билан ҳам амалга ошириш мумкинлиги тегишли қонун ҳужжатларида мустақамлаб қўйилса, бу ҳол депутатларнинг ўз фаолиятларига янада маъсулият билан ёндашишларига туртки бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатлар депутатнинг сайловчилар олдида императив мандатини келтириб чиқармайди, балки депутат ва сайловчилар ўртасидаги самимий муносабатни мустақамлайди.

1998 йил 4 ноябрда қабул қилинган "Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгаши аъзоси, Вакиллик палатаси депутати мақоми тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, депутатлар ҳисоботи тегишли сайлов округи ҳудудида яшовчи камида 300 нафар сайловчининг талаби билан ҳам ўтказилиши мумкин. Ҳисобот бўйича маълумотлар маҳаллий телевидения ва радио орқали ёртилиши, маҳаллий нашрларда чоп этилиши мумкин [15].

Дарҳақиқат, бизнинг маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ҳам мазкур масалаларни ёритишга алоҳида эътибор қаратилса, фойдадан холи бўлмас эди.

О. З. Муҳаммаджоновнинг фикрича, эркин мандатга эга бўлган депутатнинг сайловчилар билан ўзаро муносабатлари юридик жиҳатдан деярли тартибга солинмайди. Аммо бу депутат агар янги муддатга сайланмоқчи бўлса, ушбу алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлашдан манфаатдор эмас, деган маънони билдирмайди [16, Б.184].

Шуни ҳам алоҳида эътиборга олиш лозимки, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги қонунда, сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган депутат қонунда белгиланган тартибда чақириб олиниши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Шундай экан, депутатлар сайловчилар олдида берган ваъдаларини, фаолиятидаги ўз масъулиятини унутмасликлари лозим.

Хорижий мамлакатлар олимларининг депутатларнинг сайловчилар билан муносабатларида юзага келадиган муаммоли вазиятлар тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари турличадир. Россия Федерацияси Давлат Думаси депутатларининг сайловчилар билан алоқалари метёраштирилган "Федерация Кенгаши аъзоси ва Давлат Думаси депутатининг мақоми тўғрисида"ги Федерал қонуннинг 8-моддаси учинчи қисмида депутат ўз сайловчилари билан учрашувлар пайтида ва оммавий ахборот воситалари орқали ўз фаолиятдан огоҳ этиб бориши таъкидланади.

М. В. Баглай депутат ўз сайловчиларини ўз фаолиятдан огоҳ этиб бориши керак, деб ҳисоблайди [17, С. 543].

Қолаверса, социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳисоботлар тизимининг жорий этилиши кўпчилик депутатларни яхшироқ ишлашга ундайди, чунки сайловчилар олдида қизариб ўтириш ҳеч кимга ёқмайди, мақтов эшитишни эса ҳамма хоҳлайди [18, С. 705-707].

Юқорида билдирилган фикрларга қўшилган ҳолда қуйидаги фикр ва мулоҳазаларни билдириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Биринчидан, Қонунчилик палатаси депутатининг ўз фаолияти бўйича ахборот беришини мажбурият сифатида баҳолашимиз лозим. Акс ҳолда бу ҳолат депутатларнинг қайсидир жиҳатдан ўз бурчи ва вазифасига нисбатан масъулиятсизлигини келтириб чиқариши мумкин. Иккинчидан, депутат сайловчиларга фақат ўз фаолияти хусусида эмас, балки Қонунчилик палатасининг фаолияти бўйича ҳам ахборот бериб туриши фойдалидир. Учунчидан, депутатнинг ўз сайловчилари билан учрашувлардаги умумий ахборотларини Қонунчилик палатаси тегишли органларида ўрганиб чиқиб, унга ҳуқуқий баҳо бериши фойдали.

Дарҳақиқат, депутатларнинг ўз сайлов округидаги сайловчилар билан муносабатлари депутатлар фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Депутатларнинг ваколат муддатлари қайси жиҳатдандир сайловчиларнинг ҳуқуқига ҳавола эканлигини инобатга оладиган бўлсак, депутатлар ва сайловчилар ўртасидаги муносабатларни мустақамлашга қаратилган ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

О. З. Муҳаммаджоновнинг эътироф этишича, парламент аъзоларининг сайловчилар билан ўзаро муносабатларини молиявий қўллаб-қувватлаш лозим. Бунинг учун эса депутатларнинг вилоятлар, туманларга чиқишлари, у ерда депутатларнинг учрашувларини ташкил этиш учун харажатлар миқдори, парламент аъзоларининг ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш масалаларини назарда тутиш мақсадга мувофиқ [19, Б.186].

Дарҳақиқат, ушбу таклиф депутатларнинг ўз сайлов округидаги фаолиятига моддий жиҳатдан етарли кафолатлар таъминланишига шарт- шароит туғдирган бўлар эди.

Амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари депутатни сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлайди. Ижро этувчи ҳокимият органлари бинолар ажратилишини ташкил этади, фуқароларни депутатнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказиладиган, депутат томонидан фуқаролар қабул қилинадиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилади, қабулларда ва учрашувларда иштирок этиш учун ўз масъул вакиллари депутатнинг таклифига кўра юборади, шунингдек депутатнинг жойлардаги ишига кўмаклашиш юзасидан бошқа чора-тадбирлар кўради.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилган тақдирда ёки қонунийлик бузилган бошқа ҳолларда депутат давлат ҳокимиятининг вакили сифатида, ўша жойнинг ўзида бундай қоидабузарликлар тўхтатилишини талаб қилиш ёки тегишли органлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилишга ҳақлидир. Қонунбузарлик ҳолати депутатнинг талаби билан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ёки назорат органининг вакили тузган баённомада қайд этилиши мумкин [20, Б.307].

Депутат талаб билан мурожаат этган давлат органларининг мансабдор шахслари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари, корхона ва ташкилотларнинг маъмурияти, шунингдек, Ички ишлар вазирлиги тизими ходимлари қонун бузилган ҳолларни бартараф этиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш учун зудлик билан чора кўришлари, кўрилган чоралар ҳақида депутатга маълум қилишлари шарт. Чора кўрмаган мансабдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Профессор О.О.Мироновнинг таъкидлашича, "депутатнинг сайловчилар билан муносабатлари мустаҳкам ва доимий бўлиши, бу фақат парламент томонидан чақириб олиш ҳуқуқини назарда тутмаган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бу ҳолат кўпгина ривожланган давлатлар тажрибасида назарда тутилади. Бу муносабат шунинг учун зарурки, депутат мамлакатдаги, сайлов округидаги ҳақиқий ҳолатдан хабардор бўлсин, чунки қабул қилинаётган қонунлар келажакда амалда ижросини топмай қолмасин" [21, С.136].

Бизнинг фикримизча, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ўз сайловчилари билан учрашувларини ташкил этиш, кўтарилган масалаларни назоратга олиш ва депутатларнинг мукамал ҳисоботларини юритиш, шунингдек, депутатларнинг ўз сайловчилари билан бевосита мулоқотларининг давомийлигини таъминлаш учун масофавий электрон алоқалар тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ҳар бир сайлов округида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг доимий фаолият юритувчи вакили-ёрдамчиси лавозимини таъсис этиш тақозо этилади.

Юқорида билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Қонуннинг саккизинчи "Қонунчилик палатаси депутатининг сайловчилар, сиёсий партия билан ишларини ташкил этиш тартиби" бўлимига тегишли қўшимчалар киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

1. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2018. - 576 - 577 бетлар. (Sh.M. Mirziyoyev. We will continue our path of national development with determination and raise it to a new level. - Tashkent: "Uzbekistan" NMIU, 2018. - 576-577p.)
2. Ҳўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. - Тошкент: ТДЮИ, 2002. - Б.161. (Tolaganov A.The T. Organization of activities of representative and self-governing bodies of state power. - Tashkent: TDYUI, 2002. -P.161.)
3. www.parliament.gov.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи. - Тошкент: Молия нашриёти, 2002. - Б.41.(The Constitutional law of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent: finance publishing house, 2002. - P.41.)
5. Ҳўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. - Тошкент: ТДЮИ, 2002. - Б.163. (Tolaganov A.The T. Organization of activities of representative and self-governing bodies of state power. - Tashkent: TDYUI, 2002. - P.163.)
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 3-4-сон, 18-модда. (Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2005, 3-4 art., Article 18.)
7. О статусе члена Совета Федерации и статусе депутата Государственной Думы Федерального Собрания Российской Федерации: Федеральный закон // СЗ РФ. - 1999. - № 28. - С. 34-66. (The status of member of the Council of Federation and status of Deputy of the State Duma of the Federal Assembly of the Russian Federation: the Federal law // Sz the Russian Federation. - 1999. - № 28. - P. 34-66. itutional the status of members of Parliament // Journal of Russian law. - 1997. - Oh.No. 4. - P. 136.)
8. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2018. - Б.577. (Sh.M. Mirziyoyev. We will continue our path of national development with determination and raise it to a new level. - Tashkent: "Uzbekistan" NMIU, 2018. - 577p.)
9. Азизхўжаев А.А. Демократиянинг ёрқин ифодаси // Жамият ва бошқарув. - 2002.- № 1. - Б.6. (Azizkho'jaev A.A. A bright expression of democracy // Society and management. - 2002.- № 1. - P.6.)
10. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2018. - Б.577. (Sh.M. Mirziyoyev. We will continue our path of national development with determination and raise it to a new level. - Tashkent: "Uzbekistan" NMIU, 2018. - 577p.)
11. Миронов О.О. Конституционный статус депутатов парламентов//Журнал Российского права. - 1997.- № 4. - С.136. (Mironov O. O. Constitutional status of deputies of parliaments // Journal of Russianlaw. - 1997. - № 4. - P. 136.)
12. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. - 2005. №1. - 8-модда. (The law of the Republic of Uzbekistan "on the status of a member of the legislative chamber and Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan" // Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan. - It's 2005. Number 1. - Article 8.)
13. Собрание законодательства Российской Федерации, 2018, N 47, ст. 7129.(Collection of legislation of the Russian Federation, 2018, N 47, Art. 7129.)
14. www.parliament.gov.uz.
15. Закон Республики Беларусь от 17 июля 2018 г. № 126-З (Law of the Republic of Belarus of July 17, 2018 № 126-Z)
16. Мухамеджанов О.З. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш: Юрид. фан. д-ри □ дис. - Тошкент, 2004. - Б.184. (Mukhamedzhanov O.Z. Formation of the organizational and legal basis of the activity of the two-chamber parliament in the Republic of Uzbekistan. - Tashkent, 2004. -P.184.)
17. Баглай М. Конституционное право РФ. - М., 1999. - С. 543.(Baglay M. Constitutional law of the Russian Federation. - М., 1999. - P.543.)
18. Безуглов А.А., Солдатов С.А.Конституционное право России. Т.2. - М.: Профобразование, 2001. - С. 705-707. (Bezuglov, A. A., Soldatov S. A. Constitutional law of Russia. Vol.2. - М.: Profobrazovanie, 2001. - Pp. 705-707.)
19. Мухамеджанов О.З. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш: Юрид. фан. д-ри □ дис. - Тошкент, 2004. - Б.186. (Mukhamedzhanov O.Z. Formation of the organizational and legal basis of the activity of the two-chamber parliament in the Republic of Uzbekistan. - Tashkent, 2004. - P.186.)
20. Қаюмов Р. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. - Тошкент: Адолат, 1998. - Б.307.(Kauymov R. Constitutional law of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent: Justice, 1998. - P.307.)
21. Миронов О.О. Конституционный статус депутатов парламентов//Журнал Российского права. - 1997.- № 4. - С.136. (Mironov O. O. Constitutional status of deputies of parliaments // Journal of Russian law. - 1997. - № 4. - P. 136.)

Ҳақимов Аҳаджон Маъруфжон ўғли

Тошкент давлат юридик университети
"Халқаро оммавий ҳуқуқ" кафедраси ўқитувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-6-3>

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ШАФФОФЛИК ПРИНЦИПИ (METAL-TECH VS UZBEKISTAN ИШИ МИСОЛИДА)

Аннотация. Мазкур мақола анъанавий мақолалардан фарқ қилиб, унда амалдаги муаммолар суд қарорига мувофиқ қилган ҳолатда очиқ берилади. Ушбу мақола Ўзбекистон ҳамда Исроилнинг Metal-Tech компанияси ўртасида келиб чиққан инвестицион низосига бағишланади. Мазкур ишни кўриб чиқиш орқали коррупциянинг нафақат ички ҳуқуқий тартиб, балки халқаро оммавий тартибга ҳам зид эканлиги ёритиб берилади.

Калит сўзлар. Икки томонлама инвестицион шартнома (ВИТ), Инвестиция, Коррупция, Инвестицион низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказ (ICSID), энг кўп қулайлик тугдирувчи режим, шаффофлик тамойили.

Ҳақимов Аҳаджон

Ташкентский государственный юридический
университет Преподаватель кафедры
"Международное публичное право"

ПРИНЦИП ПРОЗРАЧНОСТИ В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ

Аннотация. Эта статья отличается от обычных статей и выявляет практические проблемы, обращаясь к решению суда. Настоящая статья посвящена международному инвестиционному спору, который произошел между Республикой Узбекистан и компанией Metal-Tech Израиля. Рассматривая этот спор, коррупция объясняется как противоречие не только внутреннему праву, но и международному правопорядку.

Ключевые слова. Двусторонний инвестиционный договор (ВИТ), Инвестиция, Коррупция, Международный центр по урегулированию инвестиционных споров (ICSID), Режим наибольшего благоприятствования, Принцип прозрачности.

Khakimov Akhadjon

Tashkent State University of Law
Lecturer at the Department
"International public law"

THE PRINCIPLE OF TRANSPARENCY IN INTERNATIONAL LAW

Annotation. This article differentiates from the conventional articles and it reveals practical problems by addressing to court's decision. Current article addresses to the international investment dispute which occurred between Republic of Uzbekistan and Metal-Tech Ltd of Israel. By addressing to that dispute corruption is explained as contradiction not only to domestic law but also international law order.

Key words. Bilateral Investment Treaty (BIT), Investment, Corruption, International Center for Settlement Investment Disputes, Most favored nation treatment, Transparency principle.

Низонинг юзага келиши. Ушбу иш 2013 йилда Жаҳон Банки ҳузуридаги Инвестицион низоларни ҳал қилиш бўйича марказда кўриб чиқилган Ўзбекистон иштирокидаги иш ҳисобланади (1). 2000 йилда Исроилнинг молибден ишлаб чиқарувчи Metal-Tech жамоа ширкати Ўзбекистоннинг икки давлат корхонаси АГМК ҳамда УзКТЖМ билан молибден ишлаб чиқариш учун мўлжалланган завод куриш ва уни бошқариш бўйича қўшма корхона ташкил этади. Унга кўра, Metal-Tech ўзининг технология, ноу-хау ва молиявий маблағларини янги Узметал деб номланувчи қўшма корхона учун тақдим этди. Бундан ташқари, Metal-Tech билан биргаликда қўшма корхона ташкил этиш халқаро бозорга чиқиш имкониятини ҳам тақдим этар эди. Ўз навбатида, Ўзбекистон корхоналари ҳам янги заводни ишга тушириш учун бинолар, қурилиш материаллари, машиналар, асбоб-ускуналар ҳамда молибден хом ашёсини етказиб бердилар.

Бироқ 2006 йилга келиб Тошкент вилояти прокуратураси қўшма корхонанинг бир қанча расмийларига нисбатан ўз мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш ва Ўзбекистон Республикасига моддий зарар етказиш айбларини қўйиб жиноят иши қўзғатади. Бир ойдан сўнг 2006 йил 18 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 141-сон қарори билан Узметал қўшма корхонасининг молибден хом ашёсини талаб қилиш ва молибденни экспорт қилишга бўлган мутлақ ҳуқуқи бекор қилинди. Натижада Ўзбекистон корхоналари қўшма корхона борасидаги ўз шартномаларини тўхтатди ва унга нисбатан банкротлик процедураси бошланади Metal-Techнинг қаршилигига қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Хўжалик суди томонидан қўшма корхона ликвидация қилинди ҳамда 2009 йилда юридик шахслар давлат рўйхатидан чиқарилди.

Шундан сўнг Metal-Tech Инвестицион низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказга даъво билан чиқди.

Metal-Tech (даъвогар)нинг даъволари. Metal-Tech ўз даъвосида Ўзбекистон ўз ички ҳуқуқида белгиланган мажбуриятларини ҳамда Ўзбекистон - Исроил ВЎТига мажбуриятларини бузганлигини таъкидлайди. Ўз даъвосининг асоси сифатида Ўзбекистон юқорида келтириб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги адолатли ва холис муносабатда бўлиш мезони, етарли даражада ҳимоя қилиш ва кафолатлар бериш қондаси, қўшма корхона бўйича келишувни бузганликда ҳамда Metal-Tech мулкани қонунга хилоф равишда экспроприация (тортиб олиш) қилганлигини келтириб ўтади. Бундан ташқари, экспроприация қилишда ҳеч қандай сабабларсиз инвестор мулки тортиб олинганлиги ва дискриминацияга йўл қўйилганлиги ҳамда Ўзбекистоннинг бу ҳаракатлари даъвогарни ўз мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, тасарруф этиш ҳамда уни бошқаришдан маҳрум этди деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон (жавобгар)нинг даъволари. Ўзбекистон томони эса даъвогарнинг барча даъволарини рад этди. Шунингдек, Суд Ўзбекистон - Исроил ВЎТига кўра мазкур иш бўйича юрисдиксияга эга эмаслигини таъкидлаб, Metal-Techнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарарни қоплаш бўйича қарши даъво киритди.

Суд қарори. 2013 йилнинг 4 октябрь куни Ўзбекистон ҳамда Исроил компанияси бўлмиш Metal-Tech ўртасидаги халқаро инвестицион низо бўйича ICSID ўз

қарорини чиқарди. Қарорда суд қуйидагиларни келтириб ўтди. Аввало, ICSID даъвогарнинг даъволари ҳамда жавобгарнинг қарши даъволари бўйича Ўзбекистон - Исроил ВІТн ҳамда Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқига кўра ҳеч қандай юрисдикцияга эга эмаслигини таъкидлайди. Чунки мазкур Metal-Techнинг Ўзбекистонга киритган инвестициясига (агар инвестиция деб айтиш тўғри бўлса) коррупсия аралашган эди. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бир қанча шахслар, Ўзбекистон ҳукуматининг баъзи амалдорлари, ўша пайтдаги яъни 1990 йиллар охиридаги юқори лавозимдаги амалдор ҳамда унинг укасига тахминан 4 миллион АҚШ долларини улар томонидан кўрсатилган баъзи бир қўштирноқ ичидаги хизматлар учун Metal-Tech тақдим этган эди. Бу эса ўзбек миллий қонунчилигида пора олиш ва бериш сифатида баҳоланади (амалдаги Жиноят кодексининг 210 - 211 моддалари).

Албатта, мазкур ҳолатда суднинг чиқарган қарори бўйича "нега суд бундай қарор чиқарди?" деган савол туғилиши табиий. Қуйида бунинг сабабларини бирма-бир келтириб ўтамыз.

ICSID ўзининг қароридан низолашувчи тарафларнинг даъвоси ҳамда қарши даъвоси бўйича у ҳеч қандай юрисдикцияга эга эмаслигини қуйидагича асослайди. Бизга маълумки, халқаро арбитражларда низолар кўриб чиқилиши учун тарафларнинг розилиги бўлиши талаб қилинади. ICSID эса мазкур ишда қўлланилаётган Ўзбекистон - Исроил ВІТнинг 8 моддаси 1 бандига кўра Ўзбекистонда айнан шундай розилик мавжуд эмаслигини аниқлади. Чунки, ВІТнинг 1 моддаси 1 бандига кўра ҳар қандай кўринишдаги активлар шартнома тарафлари бўлган давлатларнинг қай бири ҳудудига инвестиция киритилган бўлса, айнан ўша давлатнинг қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ бўлиши таъкидланади. Ўзбекистон томони эса мазкур модда нафақат инвестиция киритилган вақт, балки у қандай идора этилганлигини ҳам ўз ичига олишини билдирган бўлса-да, ICSID ушбу талабни фақатгина инвестиция киритилаётган вақтда у ўша пайтдаги қонунларга мувофиқ бўлиши кераклигини аниқлади деб талқин қилди ва жавобгарнинг талабларини рад этди (пара 193).

Бироқ кейинчалик ишни кўриб чиқиш жараёнида Metal-Tech инвестицияни киритиш вақтида (1990 йиллар охири) коррупсияга йўл қўйганлигини, яъни ҳукуматнинг баъзи амалдорларига катта миқдорда пора берилгани ва бу умумий лойиҳанинг 20%ни ташкил этишини аниқлади ҳамда келтирилган далиллар Ўзбекистон қонунчилигини етарли даражада бузилган деб топиш учун асос бўлишини айтиб, мазкур ҳолатда Metal-Techнинг инвестицияси ВІТнинг 1 моддаси 1 бандига мос келмаслигини таъкидлади.

Жавобгар бўлмиш Ўзбекистон томони ҳам инвестор инвестиция лойиҳасини киритиш учун бир қанча амалдор шахсларга пора берганлиги ва шу йўл билан ўз инвестиция лойиҳасини ҳукумат томонидан тасдиқланишига эришганлигини келтириб, бу Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини, халқаро тамойилларни ҳамда халқаро оммавий тартибни бузиш эканлигини таъкидлади. Бу айбловларга қарши даъвогар ҳеч қандай ҳужжат ва далил келтира олмади.

Шу сабабли ҳам Metal-Techнинг даъволари ВІТнинг 8 моддаси 1 бандига тўғри келмаслигини, бу эса Ўзбекистон ишни ICSIDда кўриб чиқилиши учун рози эмаслигини аниқлашини келтириб ўтди. Ўз-ўзидан бу ҳолатда ICSID конвенциясининг 25 моддаси 1 бандига биноан ICSID ҳеч қандай юрисдикцияга эга бўлмайди (пара 372-373). Бундан ташқари, ушбу вазиятдаги Ўзбекистоннинг

розилиги мавжуд эмаслиги нафақат даъвогарнинг даъволарига нисбатан ICSIDнинг юрисдикцияси мавжуд бўлмаслигини, балки Ўзбекистон томонидан билдирилаган қарши даъволар бўйича ҳам юрисдикцияси йўқлигини ҳам англатишини келтириб ўтди (пара. 413).

Мазкур ишда яна бир эътиборга молик ҳолат кўриб ўтилади. Бу ҳолат инвесторнинг энг кўп қулайлик туғдирувчи режим қоидаси Ўзбекистон томонидан бузилганлиги борасидаги даъвоси эди. ICSID ишни кўриб чиқиш жараёнида "Енг кўп қулайлик туғдирувчи режим" (бундан кейин MFN режими) қоидаси билан ҳам дуч келди. Metal-Tech томонидан Ўзбекистонга киритилган инвестиция ВІТнинг 1 моддаси 1 бандига мос келмаган бўлса-да, Metal-Tech ВІТнинг 3 моддаси 2 бандига таъинланган ҳолда ушбу моддада белгиланган MFN режими асосан Греция - Ўзбекистон ВІТсининг 1 моддаси 1 бандига инвестицияга берилган таъриф Исроил - Ўзбекистон ВІТига ҳам татбиқ этилиши лозимлигини даъво қилди.

Аmmo ICSID MFN режимини қўллаш бўйича келтирилган шикоятни рад этди ва уни қуйидагича асослади: биринчидан, инвестиция шартномада белгиланган доирада бўлиши зарур. Чунки инвестиция ва инвестор тушунчаси шартномада аниқ белгиланган бўлиб, MFN ҳам шу шартноманинг бир қисми сифатида қўлланилади. Иккинчидан, Исроил - Ўзбекистон ВІТининг 7-моддаси (с) бандига кўра MFN режими инвестиция тушунчасига нисбатан татбиқ этилмаслиги аниқ ва равшан қилиб кўрсатилган эди. Шундай қилиб, ICSID Metal-Tech томонидан келтирилган MFN режимини татбиқ этиш бўйича даъвони MFN режимини талқин қилган ҳолда рад этди ва бу вазиятни мезбон мамлакат бўлмиш Ўзбекистон фойдасига ҳал этди.

Бундан ҳам натижа чиқмагач даъвогар томонидан, жавобгар "Ўзбекистон Республикаси Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қонунининг 10 моддасига биноан ICSIDда иш кўриб чиқишига розилик берган деган даъво ҳам келтирилди. Мазкур Қонуннинг 10 моддасига кўра, арбитраж инвестицион низоларни ҳал этишнинг бир воситаси сифатида белгилаб берилган бўлиб, бу эса Ўзбекистоннинг ICSIDда низони ҳал этиш бўйича тўғридан тўғри розилигини англатмаслиги ҳамда унда аниқ бир арбитраж номи келтирилмаганлиги таъкидланди.

Шу билан биргаликда, ICSID конвенциясининг 46 моддаси бўйича жавобгар томонидан ҳам қарши даъволар билдирилди. Жавобгар ўзининг қарши даъвосида даъвогарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳамда нотўғри айбловлари натижасида жавобгар томонидан кўрилган зарарнинг қоплаб берилишини талаб қилди. ICSID мазкур ҳолат бўйича ҳам юрисдикцияга эга эмаслигини, чунки ушбу низода 46 моддада белгилаб қўйилган розилик мавжуд эмаслигини таъкидлади.

Мазкур ICSID томонидан чиқарилган қарор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу қарор халқаро ҳамжамиятга халқаро оммавий-ҳуқуқий муносабатларда шаффофликни таъминлаганлиги, бундай халқаро оммавий тартибга зид бўлган хатти-ҳаракатларни амалга оширганлик тарафларга фойда келтирмаслигини кўрсатиб қўйганлиги ҳамда ICSID коррупция аралашган ишларни кўриб чиқмаслигини намоён этганлиги билан ҳам эътиборга лойиқдир. Шунингдек, қарорда Metal-Tech томонидан коррупцияга йўл қўйилганлиги халқаро ҳуқуқ ҳамда кўплаб мамлакатларнинг ҳуқуқига зид эканлигини қисқача келтириб ўтди (2).

Бироқ биз мазкур ҳолатга кенгроқ тўхталадиган бўлсак, бу вазиятда халқаро ҳуқуқнинг шаффофлик принципи бузилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Шаффофлик принципи халқаро одат ҳуқуқининг асосий принципларидан ҳисобланиб, халқаро оммавий тартибга риоя этилиши лозимлигини аниқлашчи тамойил сифатида тан олинади. Коррупсия эса халқаро оммавий тартибга зид хатти-ҳаракат сифатида баҳоланади. Шу сабабли ҳам ICSID томонидан Metal-Techнинг инвестицияси аввал бошданоқ халқаро одат ҳуқуқига кўра ҳам, мамлакатларнинг ички ҳуқуқига кўра ҳам қонуний инвестиция эмас эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Metal-Tech ўртасида келиб чиққан низога ўхшаш халқаро прецедентлар ҳам мавжуд. Улардан бири World Duty Free (WDF) ва Кения Республикаси ўртасидаги иш 2006 йилда ICSIDга келиб тушган. Мазкур ишда нисонинг келиб чиқишига асосий сабабсифатида WDF, Isle of Man компанияси ва Кения аэропорти мухторияти (Кения ҳукуматининг раҳнамолиги остида) ўртасида келиб чиққан зиддиятни келтиришади. Ушбу низода ҳам аввал бошидан CEO ва WDFнинг акциядорлари Кенияда ўз бизнесларини давом эттиришлари учун Кения президентига персонал донация (қўча тили билан айтганда доля ташлашлари) беришлари кераклиги талаб қилинган. Персонал донация суммаси эса 2 миллион долларни ташкил этди. Кейинчалик Кения ҳукумати WDFнинг мулклари устидан назоратни ўз қўлига ола бошлади. CEOни эса БААга депорт қилиб юборди. Кения Олий суди эса мулклар ҳукумат ихтиёрига ўтганини тасдиқлади.

Суд ишни кўриш жараёнида 1989 йилдаги шартнома пора бериш йўли билан тузилганлигини аниқлади ва бу инвестицияни ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлишини, WDFнинг олдида икки йўл бўлганлиги, (1. Пора бермасдан Кенияда бизнес фаолиятини амалга оширмаслик; 2. Пора бериш йўли билан Кенияда бизнес қилишдек нопок йўл) бироқ WDF иккинчи йўлни танлаганлигини таъкидлаб ўтди. Пора аралаштириш Халқаро оммавий тартибга зидлиги, шунингдек, Англия ва Кения қонунларида ҳам пора бериш оммавий тартибга зид деб топилганлиги сабабли ICSID даъвони рад этди.

Мазкур ишдан ҳам шуни хулоса қилишимиз мумкинки, бу ишда суд халқаро ҳуқуқнинг шаффофлик принципига таяниб иш кўради.

Ўзбекистон томони ушбу ишда галаба қозонди. Лекин бу иш кимга қанчага тушди? Мазкур ишдан тарафлар ҳеч қандай фойда кўрмади, аксинча, кўпроқ зарар кўрди деб айтишимиз мумкин. Чунки суд ўз қароридан ушбу иш учун низолашувчи тарафлар томонидан сарфланган харажатларни ўзлари қоплашлари лозимлигини белгилади. Бунга сабаб қилиб эса, коррупция фақатгина инвестор томонидан амалга оширилмаганлиги ва бу коррупсион муносабатларда Ўзбекистон ҳукуматининг ҳам айби бўлганлиги таъкидлаб ўтди. Бу харажатлар Metal-Techда 1,7 миллион долларни ташкил этган бўлса, жавобгар тараф ушбу иш учун 8 миллион доллар сарфлаган эди. Бундан ташқари, ICSID низони кўриб чиқишни ўз иш юритувига олмаганлиги натижасида Ўзбекистон инвестор томонидан унга қўйилиши мумкин бўлган бир қанча айбловлардан қутилиб қолган бўлса-да, унинг обрўйи халқаро ҳамжамятда тушиши ва инвесторлар оқимининг камайишига олиб келиши мумкин бўлган риск остида қолди (2). Metal-Tech инвесторлари эса коррупция жиноятига йўл қўйганларига қарамасдан, уларнинг жиноятлари жазосиз қолиб кетди. Бироқ улар Ўзбекистондаги барча мулкларидан айрилдилар. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ICSID харажатлар тарафларнинг

ўзлари томонидан қопланишини белгилаб, "бир томонни бошқа бир томоннинг касрига жазолаш эмас, балки ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш яхшироқ" деган гоёга асосланди (3).

Хулоса. Ушбу ишга хулоса ясайдиган бўлсак, биринчидан, сўнгги йилларда ҳоқимлар ва турли мансабдор шахслар инвесторлардан пора олаётганлиги ҳақидаги хабарлар тез-тез қулоғимизга чалиниб турибди. Бундай ҳолатлар нафақат пора берган ёки олганларга балки давлатга ҳам катта зарар келтириши мумкинлигини ёддан чиқармаслигимиз зарур. Юқоридаги Metal-Tech билан бўлган низодаги суммаларга эътибор қаратадиган бўлсак ҳам унда умумий киритилган инвестициянинг 20% пора сифатида маълум шахсларнинг чўнтагига кетган бўлса, суд ҳаражатлари киритилган инвестициянинг 40%ни ташкил этди. Демак киритилган инвестициянинг 60% ҳавога учиб кетди десак адашмаган бўлаемиз. Шу сабабли ҳам чет эл инвестицияси кириб келаётган пайтда инвесторлар билан бевосита мулоқотга киришадиган кадрларни танлашга катта эътибор қаратиш лозим. Ёки чет эл инвесторларини қабул қилиш ва уларга мулклар ажратишнинг шаффоф электронлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иккинчидан, Ҳозирда Ўзбекистоннинг қўшлаб икки томонлама инвестицион шартномалари анчагина эскириб қолган бўлиб, яқин йилларда уларни янгитдан имзолаш ёки муддатларини узайтириш зарурати пайдо бўлади. Икки томонлама инвестицион шартномалар янгитдан тузилаётган пайтда юқоридаги ишдан хулоса чиқарган ҳолатда инвеститсия киритилган пайтдагина эмас балки уни бошқариш пайтида ҳам пора бериш инвестицияни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлиши борасидаги бандларни киритиб қўйиш лозим.

Учинчидан, чет эл инвесторлари билан низолар келиб чиққанда суд ҳаражатлари катта миқдорни ташкил қилмаслиги учун халқаро даражадаги ишларда қатнаша оладиган, халқаро ҳуқуқ бўйича юқори билим ва малакага эга бўлган юридик кадрларни ўзида жамловчи маҳаллий юридик фирмаларни ташкил этиш лозим. Албатта, бундай юридик фирмаларни ташкил этиш фақатгина давлат томонидан эмас, балки хусусий сестор томонидан илгари сурилса мақсадга эришиш янада осонроқ кечади деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун юридик таълим берувчи муассасаларда айнан халқаро инвестицион низолар бўйича халқаро мусобақаларга тайёрловчи ALSA каби жамоаларни тузиш ва улар билан халқаро муносабатларда қатнашиш юқори малакали халқаро ҳуқуқшуносларни тайёрлаш учун энг мақбул йўللardan деб ҳисоблаймиз.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Metal-Tech Ltd. v Republic of Uzbekistan (ICSID Case No. ARB/10/3). Ишнинг тўлиқ матни: <https://www.italaw.com/cases/2272> .

2. Тамар Мешел. Metal-Tech Ltd. v. Republic of Uzbekistan - Is Really No One Getting Punished? <http://arbitrationblog.kluwerarbitration.com/2014/01/03>.

3. А.Умирдинов. Metal-Tech v Uzbekistan: No Jurisdiction Because of Corruption. <http://www.cisarbitration.com/2013/12/16/>.

Умарханова Дилдора Шарипхановна

Юридик фанлар доктори
ТДЮУ "Халқаро оммавий ҳуқуқ" кафедраси доцент в.б.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-6-4>

АҚШ ВА КАНАДА ДАВЛАТЛАРИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АМАЛИЁТИ

Аннотация. Мазкур мақолада АҚШ ва Канада давлатларида амалда қўлланилаётган жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан Америка тизимида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми йўналишларининг ҳуқуқий асослари ва зарураги, миллий қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: халқаро ҳамкорлик, жиноятчилик, экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, видеоконференцалоқа, халқаро шартнома.

Умарханова Дилдора Шарипхановна

Ташкентский государственный юридический
университет И.о. доцент кафедры
"Международное публичное право"

ПРАКТИКА США И КАНАДЫ В СФЕРЕ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА ПО УГОЛОВНЫМ ДЕЛАМ

Аннотация. в статье проводится анализ действующего механизма США и Канады международного сотрудничества по уголовным делам. Автором рассматриваются важность и правовые основы направлений механизма в Американской системе, а также выдвинуты предложения по внесению дополнений и изменений в национальное законодательство.

Ключевые слова: международное сотрудничество, преступление, экстрадиция, взаимная правовая помощь, видеоконференцсвяз, международный договор.

Umarkhanova Dildora Sharipkhanovna

Tashkent State University of Law
Associate Professor of Department
"International public law"

PRACTICE OF THE USA AND CANADA IN THE FIELD OF INTERNATIONAL COOPERATION IN CRIMINAL MATTERS

Annotation. In this article is analyzed the current mechanism of international cooperation in criminal matters in the USA and Canada. The author considers the importance and legal basis of the mechanism in the field of international cooperation in criminal matters in the American system and also put forward proposals for amendments and additions to the national legislation.

Keywords: international cooperation, crime, extradition, mutual legal assistance, video conferencing, international treaty.

Хорижий мамлакатларининг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш борасидаги тажрибасини ўрганиш мамлакатимизда ҳам бу соҳага оид махсус қонун ҳужжатининг қабул қилиниши мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда. Шу ўринда, бу фикрни асослаш учун бевосита Америка қитъаси мамлакатлари қонунчилигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, АҚШ тажрибасини ўрганар эканмиз, унинг қонунчилигига биноан, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик халқаро шартномага мувофиқ амалга оширилиши мумкин бўлиб, бундай шартномалар сифатида қуйидагилар намоён бўлади: икки томонлама шартнома; кўп томонлама шартнома; экстрадицияга оид қоидаларни қамраб олувчи кўп томонлама шартнома; экстрадицияга оид ҳарбий келишув; ўзаролик принципига асосан маҳкумни ушлаб бериш [2, б. 90-114].

АҚШ амалиёти жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни шартномавий-ҳуқуқий асослашни кўзда тутди. Уни амалга ошириш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига икки томонлама шартномалар, судланувчиларни ушлаб беришга оид ҳарбий келишувлар киради. АҚШ ўтмишда ўзаролик принципи асосида бошқа давлатлардан ушлаб бериш тўғрисида талаб билан чиққан ҳамда ўзи ҳам бошқа давлатларга талаб қилинган шахсларни ушлаб берган [12, б.110-114]. Ҳозирда эса, АҚШда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни асосан халқаро шартномалар асосида амалга оширади, шартномасиз ўзаролик принципи асосида мурожаат этиш ҳоллари камдан-кам учрайди [2, б. 90].

АҚШнинг 1982 йилда қабул қилинган "Экстрадиция тўғрисида"ги қонунида "шартнома" (3196-бўлим) атамаси асосида айнан кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар тушунилиши кўрсатилган [3, б. 507-509]. Гарчи, қонунчиликда кўп томонлама шартномалар ҳам алоҳида назарда тутилган бўлса-да, амалда АҚШ амалиётида экстрадициянинг ҳуқуқий асоси сифатида икки томонлама шартнома бўлиши талаб қилинади. Бироқ, бу кўп томонлама шартномаларга ҳавола этилишини истисно этмайди [9].

АҚШ ўз хоҳишига кўра қабул қилинган шартномалар билан ўзини уларнинг бажарилишига ҳуқуқий мажбур деб ҳисоблайди. Бунда АҚШ экстрадиция жараёни ва амалиёти фақат амалдаги федерал қонунчилик доирасида кўриб чиқади. Зеро, экстрадициянинг мазкур давлат амалиётида халқаро одат ҳуқуқидан фойдаланилмайди, фақатгина шартномаларни шарҳлашда унга мурожаат этади [10, б. 3].

Масалан, Туркия давлати 2016 йил июль ойидаги давлат тўнтарилишига уринишда ҳозирда АҚШда истоқомат қилиб келаётган ислом динининг тағриботчиси Фахулла Гуленни экстрадиция қилишни сўраган. Бу борада томонлар бир неча бор музокаралар олиб боришига қарамасдан, АҚШ Туркия етарли далиллар тақдим қилинмаганлиги учун экстрадиция қилишни имкони йўқлигини важ қилиб келмоқда [14]. Туркия давлати томонидан тақдим қилинган далиллар қайси асосга кўра тўғри келмасилиги ёки далил сифатида қабул қилинмаслиги масаласи очиқ қолади. Фикримизча, мазкур ҳолатда АҚШ кўпроқ масаланинг сиёсий томонига эътиборини қаратмоқда.

АҚШнинг фақат икки томонлама шартномаларга асосланган халқаро-ҳуқуқий йўли муҳим келишилган амалиётни юзага келтирди. Уларни доимий қайта кўриб чиқиш зарурияти янги шартномаларни ишлаб чиқишни ёки мавжуд бўлганларига тегишли ўзгартиришлар киритишни шарт қилиб қўяди. Бунинг натижаси ўлароқ, АҚШ амалиёти бунга тааллуқли кўпгина муаммолар (давлатларнинг ҳуқуқий мерос бўлиб қолиш муаммоси, ҳарбий ҳаракатлар оқибати, дипломатик алоқаларнинг тугаши ва ҳ.к.) ҳамда юздан ортиқ мамлакатлар билан шартномавий муносабатларни қўллаб-қувватлаш зарурияти билан чамбарчас боғланган. Ушбу шартномалар экстрадиция этиладиган жиноятлар тавсифидан бошлаб, тегишли шахсларни етказишнинг аниқ усулларига бўлган барча маълумотларни батафсил қамраб олади.

1982 йилдаги "Экстрадиция тўғрисида"ги қонун қабул қилингунига қадар АҚШ қонунчилигида экстрадицияни амалга ошириш учун асос бўлувчи шартнома қандай бўлиши ҳақида аниқ йўналиш мавжуд бўлмаган. Юқорида қайд этилганидек, АҚШ амалиёти 1982 йилги юқорида қайд этилган қонун қабул қилингунига қадар мутлақо икки томонлама шартномаларга асосланган ва кўп томонлама шартномалар экстрадицияни расман мустаҳкамларди холос [4, б. 509].

АҚШ ҳуқуқий тизимига биноан жиноятчини ушлаб бериш фақатгина қонун ёки шартнома асосида амалга оширилишини инobatта олиб, ушбу мамлакатда кенг қўламда икки томонлама шартномалар тузиш [11, б.35-42] ҳамда амалдаги шартномаларни қайта кўриб чиқиш ишлари мунтазам равишда амалга оширилади. Янги шартномаларда турли илгари кўзда тутилмаган тартиб-таомиллар (масалан, жиноятчи аниқланган кейин уни талаб қилаётган давлатга қайтаришга қадар вақтинчалик қамоққа олиш институти) ҳам тартибга солинмоқда.

Юқорида келтирилган жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишларидан ташқари, АҚШ амалиётида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос турларини кузатишимиз мумкин. Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида АҚШда ўзаролик принципи амал қилади. Одатда АҚШ бу каби амалиётни кейинчалик мазкур давлатдан худди шунга ўхшаш жавоб кутгани учун амалга оширади. Кейинги йилларда АҚШ томонидан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида самарали механизм ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини янада такомиллаштирилганини кўриш мумкин. Кўпчилик давлатлар каби АҚШ ҳам идоралараро ҳамкорликнинг тўғридан тўғри амалга оширилишини қўллаб қувватлайди, яъни "полициядан полицияга" каби механизми жиноятчиликка қарши кураш борасида ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва дўстлик асосида ривожланган. Кения ва Танзанияда 1998 йил элчихонанинг портлаши оқибатида АҚШ Федерал қидирув бюроси томонидан 100 га яқин агентларнинг Африкага бевоcита жиноятни очиш ва тергов қилиш мақсадида келишини мисол сифатида келтиришимиз мумкин [8, б.133-148].

Айтиб ўтиш лозимки, ҳозирги кунда видеоконференцалоқа жиноят ишлари бўйича далиллар йиғиш жараёнида кенг қўлланилмайди. АҚШда видеоконференцалоқадан фойдаланган ҳолда айбланувчи ёки гувоҳнинг кўрсатмаларини олишга қаратилган суд амалиёти (прецедент) қўлланилади, миллий қонунчилик эса бунга рад этмайди. АҚШ томонидан тузилган жиноят ишларида ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама шартномаларга кўра, ўзаро ҳамкорлик АҚШ ҳуқуқий нормларига зид бўлмаган тақдирда ҳар қандай

жараёнлар доирасида ўтказилиши мумкин. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам доирасида видеоконференцалоқа технологияси қўллаган ҳолда кўрсатмалар олиш (кўрсатмалар олиш учун мажбурлов чораларини қўллаш лозим бўлган ҳолатларни кўшган ҳолда) ўз-ўзидан ҳуқуқий нормаларнинг бузилишига олиб келмайди.

Бундан ташқари, гувоҳлик бериш жараёнини тартибга солувчи федерал қоидаларда кўрсатмаларни олувчи томон бу кўрсатмалар овозли, визуал-овозли ёки стенографик усулда ёзиб олинишини танлаш ҳуқуқига эга эканлиги аниқ қайд этиб ўтилган ва суд кўрсатмаларни телефон ёки бошқа масофавий алоқанинг электрон воситалари, жумладан видеоконференцалоқадан фойдаланган ҳолда ёзиб олиш тўғрисида қарор чиқарилиши мумкин. Шу боисдан, аксарият ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятларни тергов қилиш жараёнида фойдаланилувчи видеоконференцалоқани амалга ошириш учун мўлжалланган махсус жиҳозланган хоналарга эга. Шундай қилиб, АҚШ Адлия вазирлиги айблов бўлими, Федерал тергов бюроси ва бошқа тергов органлари айнан шу органларда ишлатилишига мўлжалланган видео алоқа воситаларига эга [11, б. 5-8].

Бундай жиҳозланган хоналар федерал жиноятларни тергов қилувчи прокуратура хизматининг мамлакат бўйича жойлашган федерал округнинг ҳар бирида, шунингдек, аксарият маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда мавжуд. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг манфаатида видеоконференцалоқани ўтказишда тижорат ташкилотларининг техникасидан фойдаланишга йўл қўйилади, аммо АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари керакли техникаларни харид қилиб телекоммуникацион хизмат провайдерлари билан шартнома тузган ҳолда видеоконференцалоқани ўтказиш мақсадга мувофиқроқ деган хулосага келишди [13, б. 8.669-902].

АҚШда видеоконференцалоқадан фойдаланган ҳолда тергов ҳаракатларини амалга оширишни тартибга солувчи федерал қоидалар ёки бошқа қонунчилик ҳужжатлари мавжуд эмас. Одатда бундай масалалар раислик қилувчи судья томонидан амалиётдан келиб чиққан ҳолда (прецедентлар асосида) ҳал қилинади. Бироқ бошқа давлат ҳудудидаги гувоҳдан кўрсатмалар олишни тартибга солувчи федерал қоидаларда "истисно этувчи ҳолатдан келиб чиққан ҳолда одил судловни амалга ошириш учун бўлажак гувоҳнинг кўрсатмалари олиниши ва сақланиши лозим"лиги белгиланган [1, б. 8.9].

Истисно этувчи ҳолат сифатида баҳолаш омилларига суд муҳокамаси жараёнида гувоҳлик бериш учун гувоҳнинг қатнаша олмаслиги киритилади. Бунда судьялар томонидан "қатнаша олмаслик" деганда агар гувоҳга нисбатан суд қақиригига кўра, етиб келиш мажбурияти тарғиб қилинмаса, гувоҳлик бериш учун суд мажлисига қатнашиш хоҳиши мавжуд эмаслиги деб шарҳланади. Ушбу нормага кўра, АҚШ фуқароси бўлмаган ҳамда хорижий давлат ҳудудида бўлган шахслар суд мажлисида қатнаша олмайдилар [11, б. 4]. Қонунда кўрсатилган стандартларга амал қилган ҳолда гувоҳнинг кўрсатмалари суд жараёни бошлангунга қадар ёзиб олиниши ва суд муҳокамаси жараёнида далил сифатида тақдим қилиниши мумкин. АҚШ федерал қонунчилиги видеоконференцалоқадан фойдаланган ҳолда кўрсатмаларни суд муҳокамасига қадар ва муҳокама давомида олишга рухсат беради.

АҚШнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масалалари борасидаги модели Канада томонидан ҳам қабул қилинган. Зеро, Американинг экстрадиция қилиш натижасида ўз фуқароларини мамлакатига қайтариш борасидаги тажрибаси

нафақат аҳамиятли, балки уларни инсон ҳуқуқларини ҳам таъминлаши мақтовга сазовор. Лекин бу ҳар доим ҳам амал қилинавермайди.

Маълумки, Америка давлатлари умумминтақавий даражада кўп томонлама шартномалар асосида фаолият юритади. Бу ҳақда юқоридаги бобларимизда тўхталиб ўтганмиз. Бугунги кунда, Халқаро жиноят ҳуқуқи тўғрисидаги Монтевидео конвенцияси, Каракас Конвенцияси, Бустаманте кодекси амал қилиб келмоқда. Булардан ташқари, Америкалараро Экстрадиция тўғрисидаги конвенцияси, Жиноят ишлари бўйича ўзаро ёрдам тўғрисидаги конвенция ҳамда унга қўшимча Протокол Америка давлатлари учун очикдир. Кўриб турганингиздек, америка тизимида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми мавжуд бўлиб, ҳуқуқий асосларига ҳам эга. Лекин ҳар доим ҳам бу каби механизмларнинг мавжудлиги Америка давлатлари ўртасида инсон ҳуқуқларини таъминланиши, қонунийликни илгари суриши ёки айбсизлик презумпцияси принципига ҳамда маҳкумларга нисбатан муомала қоидаларига риоя этилиши масалаларида бироз бахсли томонлари ҳам мавжуд деган хулосага келиш мумкин. Чунки, АҚШ томонидан ташкил этилган Гуантанамо лагери бугунги кунда ноқонунийлик тимсоли сифатида намоён бўлган. Барчага маълумки, мазкур қамоқхона фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асос мавжуд эмас, олиб борилаётган судлов жараёни адолатсиз ва халқаро ҳуқуқ нормаларига жавоб бермаслиги билан таснифланади. Бу борада халқаро ҳамжамят ўз норозилигини ёки безовта эканлигини билдирса ҳам, мазкур ноқонуний қамоқxonани ёпилишига уринишлар ҳали ҳам тўхтаганича йўқ [15].

Жиноят иш юритувида видеоконференцалоқани қўллаш масаласи Канада қонунчилигида ҳам назарда тутилган. Канаданинг Жиноят кодексига кўра, айбланувчининг бир вақтнинг ўзида визуал алоқа орқали суднинг исталган жараёнида (гувоҳ кўрсатмасини олган ҳолатлар бундан мустасно) кабель телевиденияси ёки бошқа воситалар орқали суд муҳокамасида иштирок этиши назарда тутилган (650 - моддаси) [5]. Бу каби иштирокларини амалга ошириш учун қўйидаги мажбурий шартларни амалга ошириш лозим:

Суд қарор ёки розилиги; прокурор ва айбланувчининг розилиги; процесс давомида айбланувчининг конфиденциаль шаклда адвокат билан мулоқат қилиши учун шароит яратиши.

Канада Жиноят кодексининг 606 - моддасига кўра, айбланувчи видеоалоқа борасида шикоят қилиши мумкинлиги ҳам мустаҳкамланган. Гувоҳ кўрсатмаларини масофавий шаклда олиш фақатгина лозим бўлган ускуналар мавжуд бўлган ҳолларда рухсат берилиши (Канада ЖК нинг 700 моддаси) кўрсатилганлигига қарамадан, Канада ЖКнинг 714 моддаси 1 қисмида суд томонидан видеоалоқа қилиш рухсат берилган ҳолатлар аниқ белгиланган. Булар гувоҳнинг жойлашган жойи ва шахсий шароити; гувоҳнинг процессда шахсан иштирок этиши; қутилаётган кўрсатмаларнинг табиати ҳисобланади. Суд қарорига кўра агар одилсудловнинг фундаментал принципларига зид келмаса ва томонлар хабарномаси мавжуд бўлмаса видеоалоқа орқали Канада ҳудудидан ташқарида ҳам гувоҳ кўрсатмаси олиниши мумкин (Канада ЖКнинг 714 модда 2қисми)

Умуман олганда, Канада бугунги кунда 51 та икки томонлама ва 25 та кўп томонлама Экстрадиция тўғрисидаги шартномаларнинг иштирокчиси ҳисобланади [16]. 1877 йилги Канаданинг "Экстрадиция тўғрисида"ги қонуни 1992 йилга қадар амал қилиб келган. Лекин 1999 йилда мазкур қонуннинг янги таҳрирда қабул

қилинди. Мазкур қонун тўртта бўлимдан иборат: I бўлим - Талқин қилиш; II бўлим - Канададан экстрадиция қилиш; III бўлим - Канадага экстрадиция қилиш; IV бўлим - Трансмиллий қоидалар. II ва III экстрадиция қилишнинг миллий процессуал қоидалари ўз аксини топган. Унга қўра, экстрадиция процесси иккита алоҳида босқичга кўра амалга оширилиши белгиланган, яъни суд босқичи ва ижро босқичидир. Суд босқичи экстрадиция қилиш асосларига кўра суд муҳокамасини ўз ичига олади. Агар суд жиноят содир этган шахсни экстрадиция қилиш учун асослари мавжудлигини аниқласа ва унга нисбатан ҳукм чиқарилса, кейинги босқичга ижро этиш учун юборилади. Адлия вазирлиги томонидан шахс экстрадиция қилинади. II бўлимга кўра, икки томонлама ва кўп томонлама иштирокчиси бўлган экстрадиция шартномалари асосида халқаро мажбуриятларини бажаради. Бундан ташқари, қонун Адлия вазирлиги ҳам тўғридан тўғри ҳамкорлик қилиш учун рухсат беради. Қонунда қайд этилган рўйхатга кўра, Канада Ҳамдўстлик давлатлари (инг. Commonwealth of Nations), Халқаро Жиноят Суди, Собик Югославия Ҳарбий Трибунали, Руанда Ҳарбий Трибунали, каби ташкилотлар ва бошқа мамлакатлар билан ҳам ҳамкорлик қилади [6].

Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масаласи Канадада махсус қонун билан тартибга солинади. Унга кўра, бу каби ҳамкорлик йўналиши икки томонлама ҳамда кўп томонлама шартномалар асосида амалга оширилиши белгиланган [16]. Мазкур қонун учта бўлимдан иборат бўлиб, I бўлимда хорижий сўровнома ижросини амалга ошириш ваколатлари ва процессуал ҳаракатлар ўз аксини топган. II бўлимда эса, суд муҳокамасида хорижий давлат томонидан тақдим қилинган далилларни қабул қилиш тартиби кўрсатиб ўтилган. III бўлим Канада томонидан хорижий давлатга юборилган сўровномалардаги ҳужжат ва гувоҳларга тааллуқли бўлган турли масалаларни акс эттиради. Канада билан шартнома имзоламаган ҳолатларда ҳам жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўровнома билан мурожаат қилиши ёки қабул қилиши мумкин [7]. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам Канада Адлия вазирлиги ваколатли орган ҳисобланади.

Канада қонунчилиги таҳлили асосида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг муҳим принципларидан бири - ўзаролик принципи амал қилмаслигини кўриш мумкин. Бу албатта, Канада ва у билан ўзаро шартнома тузмаган давлат ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ҳуқуқий ҳамкорликни сезиларли даражада пасайтиради ва бундай амалиёт бугунги кун талабларига ва жиноятчилик кенг илдиз отаётган замонамиз шарт-шароитларига мувофиқ келмайди.

Юқорида баён этилган амалиётни мамлакатимиз қонунчилигига халқаро ҳамкорлик натижасида суд ва тергов жараёнларида видеоконференцалоқдан фойдаланиш борасида ўзгартиш ва кўшимча кириштириш масаласи ижобий натижа бериши мумкин. Чунки, узоқ йиллик тажрибага эга бўлган, миллий ва халқаро асослари тартибга солинган ҳамда бугунги кунда ўз натижасини бераётган ҳуқуқий механизмни ижобий ва бизнинг ҳуқуқи тизимимизга мос томонларини ўрганиш ва татбиқ қилиш энди ривожланиб ва шаклланиб келаётган давлат учун қулай имкониятдир.

Ўзбекистон Республикасида ҳам охириги йилларда видеоконференцалоқа каби инновацион технологиядан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилаётган бўлса-да мазкур тажриба халқаро шартномалар асосида

жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жараёнида тергов ёки суд амалиётида учрамаётганлиги таъкидлаш лозим. Бу каби амалиётдаги бўшлиқларни қисман бўлса ҳам бартараф этиш мақсадида "Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги 2898-сонли қарорида 2018 йил 1 январига қадар ички ишлар органларида сўроқ жараёнини стенография қилиш, видеокузатув, шунингдек тергов ҳаракатларини аудио- ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус хоналар ташкил этилиши ҳамда тергов департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўртасида видеоконференцалоқа тизими жорий этилишини таъминлашни белгилаб берилган.

Шундай экан, дастлабки тергов органларининг процессуал фаолиятида видеоконференцалоқа каби янги технологияларнинг киритилишининг долзарблигига шубҳа йўқ. Бугунги кунда Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигида ушбу инновацион технологиядан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд эмаслиги бизнинг фикримизча халқаро шартномалардан келиб чиққан ҳолда, видеоконференцалоқани қўллаш соҳалари ва имкониятини сезиларли даражада қисқартиради.

Иктибослар/Сноски/References

1. Архипова Е.А. Применение видеоконференцсвязи в уголовном судопроизводстве России и зарубежных стран (сравнительно-правовое исследование). Дисс. □ канд. юрид. наук. - Москва, 2013. - 198с. (rkhi pva E. A. Application of video conferencing in criminal proceedings of Russia and foreign countries (comparative legal research). Diss. ... kand. the faculty of law. sciences'. - Moscow, 2013. - 198с.)
2. Bassiouni M.C. International Extradition: United States Law and Practice (6th Edition)- Oxford University Press, 2015.- 1233 p.
3. Bassiouni M.C. Extradition reform legislation in the United States: 1981-1983. No 17, Akron Law Review, 1984. - Pp.495-574.
4. Bossard A. Transnational Crime and Criminal Law. - Chicago, 1995. - 125p.
5. Canadian Criminal Code (R.S.C., 1985, c. C-46). [Electronic resource]: <http://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/>
6. Canadian Extradition Act (S.C. 1999, c. 18) [Electronic resource]: <http://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/>
7. Canadian Mutual Legal Assistance in Criminal Matters Act (R.S.C. 1985, c. 30 (4th Supp.)). [Electronic resource]: <http://laws-lois.justice.gc.ca/>
8. John E. Harris, International Cooperation in Fighting Transnational Organized Crime: Special Emphasis on Mutual Legal Assistance and Extradition // Asia and Far East Institute for the Prevention of Crime and the Treatment of Offenders (UNAFEI) ANNUAL REPORT FOR 1999 and RESOURCE MATERIAL SERIES No. 57. Fuchu, Tokyo, Japan. September 2001. - P.133-148.
9. Kimberly Prost. Breaking down the barriers: inter-national cooperation in combating transnational crime. The Hemispheric Information Exchange Network for Mutual Assistance in Criminal Matters and Extradition. [Электрон ресурс]: http://www.oas.org/juridico/mla/en/can/en_can_prost.en.html#ftnref17
10. Michael John Garcia, Charles Doyle. Extradition To and From the United States: Overview of the Law and Recent Treaties. CRS Report for Congress. Congressional Research Service. March 17, 2010. P.35-42.
11. Response to the Questionnaire Regarding Video Conferencing Capabilities of the Eight. Cologne, January 1999. The Lyon Group. G8 Senior Expert Group on Transnational Organized Crime. Provisional Archive: June 1995 - June 1999/ Published: November 14, 1999/ Designed and Published by the Rule of Law Foundation for free distribution within the Lyon Group, with support from the U.S. Department of State/ Washington, DC USA. - p. 5 - 8
12. Shearer I. A. Extradition in international law. - Manchester University Press, 1971. - 283 p.
13. Shari Seidman Diamond, Locke E. Bowman, Manye Wong, Matthew M. Patton. Efficiency and Cost: The Impact of Videoconferenced Hearings on Bail Decisions, J. Issue 3 Crim. L. & Criminology (2010). - 869-902.
14. <https://ria.ru/world/20170714/1498498598.html>; <http://www.vesti.ru/doc.html?id=2885953>
15. <https://amnesty.org.ru/node/244/>
16. <http://www.treaty-accord.gc.ca/index.aspx>

Туляганова Ширин Хуснитдиновна

Ташкентский государственный юридический университет
Преподаватель кафедры Государственное право и управление



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-6-5>

ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЯ ДОГОВОРА ТАЙМШЕРИНГА В ТУРИСТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация: в данной статье проанализированы основы внедрение в национальное законодательство договора таймшеринга. Коллизионно правовое регулирование договора таймшеринга и важность его применение. На основе анализа норм национального законодательства автором были разработаны предложения и рекомендации.

Ключевые слова: туризм, туристическая деятельность, туристические услуги, таймшеринг, недвижимость, коллизионное регулирование.

Туляганова Ширин Хуснитдиновна

Тошкент давлат юридик университети
Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви кафедраси ўқитувчиси

ТУРИЗМ ФАОЛИЯТИДА ТАЙМШЕРИНГ ШАРТНОМАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига таймшеринг шартномасини татбиқ этиш масалалари таҳлил этилган. Таймшеринг шартномасини коллизион-ҳуқуқий тартибга солиш ва қўлланиш муҳимлиги ёритиб берилган. Муаллиф томонидан миллий қонунчиликнинг таҳлили якунида тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: туризм, туристик фаолият, туристик хизматлар, таймшеринг, кўчмас мулк, коллизион тартибга солиш.

Tulaganova Shirin Husnitdinovna

Tashkent State University of Law
Lecturer at the Department 'Public Law'

CIVIL LEGAL REGULATION OF THE CONTRACT OF DIFFERENCE IN TOURISM

Annotation: This article analyzes the basics of introducing a timesharing contract into national law. Conflict legal regulation of a timesharing contract and the importance of its application. Based on the analysis of the norms of national legislation, the author has developed suggestions and recommendations.

Key words: tourism, tourist activities, travel services, timesharing, collision regulation.

For citation: Tulaganova Shirin. CIVIL LEGAL REGULATION OF THE CONTRACT OF DIFFERENCE IN TOURISM. Journal of Law Research. 2019, 5 vol., issue 1, pp. 30-34

Туризм как сфера предпринимательской деятельности на сегодняшний день является одним из важных отраслей экономики в развитых государствах. Разнообразие этих отношений порождает определенную сложность правового регулирования. Так, например, в обслуживании туриста принимают участие перевозчики, особенности регулирования правоотношений с которыми дифференцируются в зависимости от того, каким видом транспорта осуществляется перевозка (воздушным, морским и т.д.). Применение тех или иных норм регулирующие отношения между туристом и туроператором или турагентом является сложной процедурой, а именно регулирование гражданско-правовых договоров в сфере оказания туристических услуг остается не до конца разрешенным.

Одним из неурегулированной сферой в туристической деятельности является услуга таймшерера по договору таймшеринга. Так что же представляет собой таймшеринг? Ответ на данный вопрос с позиций цивилистической доктрины мог бы стать предметом самостоятельного исследования.

Термин "таймшер" (от англ. time - время, share - доля) в момент своего появления обозначал как саму недвижимость, используемую поочередно ограниченном числом пользователей, так и право на нее. Всемирная туристская организация определяет таймшер как собственное жилище, арендуемое на основе очередности. [1]

И. Зорин и В. Квартальнов трактуют таймшер как владение временем на проживание в рамках клубного отдыха. М. Биржаков под таймшером понимает владение недвижимостью в курортных местах на правах кондоминиума с возможностью пользоваться ею в течение ряда лет (до 50 лет и более), но лишь несколько дней или недель в году. Д. Ковалев полагает, что таймшер есть не что иное, как международная система обмена отдыхом среди совладельцев курортных отелей клубного типа.

В большинстве стран мира таймшерная деятельность регламентируется специальными нормативными правовыми актами. Первый законодательный акт о таймшере вступил в силу в Великобритании 16 марта 1992 года. За Великобританией аналогичные нормативные правовые акты приняли США, Франция, ФРГ, Португалия, Испания и другие государства соответственно таймшер за рубежом - категория правовая, хотя само понятие используется только в англоязычных странах. Законодательство иных государств оперирует национальными синонимами таймшера. Так, в Германии используется термин "Teilzeitnutzungsrechten an Wohngebäuden" (временная доля в праве пользования на жилое строение), в Португалии - direito de habitacao periodica (право периодического проживания), в Испании - tiempo compartido (разделение времени), во Франции - jouissance a temps partage (периодическое пользование). Помимо специальных нормативных правовых актов о таймшере или его аналога для регулирования отношений в системе клубного отдыха применяются также нормы законодательства о туризме, поскольку таймшер можно рассматривать как одну из разновидностей предпринимательской деятельности в сфере туризма. Использование курортной недвижимости подлежит правовому регулированию нормами гражданского законодательства и законодательства о недвижимости (жилищного законодательства). К тому же участие потребителя в отношениях таймшеринга регламентируется законодательством о защите прав потребителей. [2]

В первое время внедрение таймшеринга в национальный рынок будет сопровождаться агрессивной маркетинговой политикой компаний, работающих в данной сфере. В большинстве случаев на практике таймшеринговые компании навязывали клиентам свои услуги, зачастую прибегая к их дезинформации и другим недобросовестным действиям. Такое поведение на рынке было обусловлено в первую очередь спецификой таймшеринга, требующей от потребителя значительных капитальных вложений заблаговременно. Кроме того, раскрытие преимуществ таймшера обычными методами рекламы представляется довольно затруднительным, поэтому компаниям приходится прибегать к различного рода уловкам, позволяющим привлечь клиента для присутствия его на презентации услуг компании. Смысл действий сотрудников фирмы реализующих права на таймшер часто сводится к тому, чтобы не дать клиенту обдумать правильность своих действий.

Несомненно, что проведению таймшеринговыми компаниями такой политики способствует то, что действующее законодательство не содержит никаких специальных норм, регулирующих отношения в сфере таймшеринга. Единственным актом, содержащим специальные нормы, которыми могут в своей деятельности руководствоваться такие компании, является Закон "О туризме" Республики Узбекистан. Последний, как уже отмечалось выше, не удовлетворяет даже потребностям регулирования классических договоров на туристическое обслуживание, не говоря уже о регулировании таймшеринга.

В Республике Узбекистан после принятия "Стратегии действия", туризм стал стратегической отраслью экономики. Акцентировалась на привлечение иностранных инвестиций, связи с этим туристическая деятельность занимала особое внимание в притоке иностранной валюты. Регулирование внешнеэкономических контрактов в сфере туризма требует особого подхода, поскольку правила, регламентирующие отношения между туроператорами и турагентами не могут к ним применяться. Признание туроператора, заключающего договоры с туристами на основании договора с зарубежным партнером, агентом последнего означало бы грубое нарушение интересов потребителя. Выработка особого подхода связана с решением коллизионной проблемы договоров между принимающими и направляющими турфирмами. Исходя из зарубежного опыта, практике МКАС при ТПП РФ данная проблема была решена путем применения к обязательствам национального права принимающей турфирмы, как осуществляющей исполнение договора, имеющее решающее значение для его содержания. При решении этого вопроса необходимо исходить из того, что целью договора между принимающей и направляющей турфирмой является не предоставление туристу гостиничного или экскурсионного обслуживания, а формирование тура. Предоставление принимающей турфирмой части услуг, составляющих тур, не может, на наш взгляд, являться решающим для исполнения такого договора. Гостиничные и сопутствующие им услуги являются лишь базисом для формирования туроператором, как направляющей фирмой тура. Без осуществления туроператором действий, направленных на перевозку туриста к месту отдыха, получения им въездной визы и т.п., услуги принимающей компании теряют смысл. Таким образом, при определении права наиболее тесно связанного с договором, таковым может быть признано право страны, где учрежден или имеет место жительства или основное место деятельности организатор тура. Вопрос

применение в национальное законодательство правового регулирования таймшеринга имеет значение в первую очередь в целях защиты прав потребителя. Вопрос о включении этих договоров в состав отношений по туристическому обслуживанию является спорным, однако в отсутствие специальных норм в действующем национальном законодательстве, к отношениям по таймшеру применяются положения Закона "О туризме" Республики Узбекистан. Для решения данной задачи следует в первую очередь ответить на вопрос о том, какова правовая природа прав на временное пользование курортной недвижимостью. В законодательстве зарубежных стран приняты различные правовые модели таймшеринга: 1) на базе вещного права; 2) на базе обязательственного права; 3) на базе права хозяйственных обществ. В связи с различными квалификаций рассматриваемых отношений в разных правовых системах, особый интерес представляет решение коллизионной проблемы.

Исходя из зарубежного опыта для наглядности можно смоделировать ситуацию, в которой российский гражданин у немецкой компании приобрел право ежегодного пользования в течение недели объектом курортной недвижимости (бунгало) в Португалии. В случае возникновения препятствий к использованию потребителем указанного права и при обращении его в суд необходимо решать, как проблему подсудности, так и коллизионную проблему. Если спорное правоотношение будет рассматривать российским судом, то, скорее всего, право гражданина на пользование объектом недвижимости будет квалифицировано как имеющее характер обязательственного, также, как и по законодательству ФРГ. При этом по законодательству Португалии такой иск будет рассматриваться как вещный, однако для применения российский судом норм португальского законодательства как *lex rei sitae* необходимо, чтобы российское законодательство квалифицировало соответствующее правоотношение как вещное. Случаи разбирательства подобных споров уже имеют место в зарубежных судах[3]

Таким образом, при определении права, применимого к договору о пользовании недвижимостью на базе таймшера, необходимо решить вопрос является ли он сделкой с правами или с недвижимостью. Следовательно, для адекватного коллизионного регулирования договоров в сфере таймшеринга необходимо включение в законодательство специальных материально-правовых норм.

Для регулирования отношений по таймшерингу необходимо принятие специального закона, в основу которого может быть положена вещно-правовая концепция права периодического пользования помещениями курортной недвижимости. При разработке такого закона должны быть учтены коллизионный и процессуальный аспекты регулирования соответствующих отношений.

Изложенное приводит к следующим выводам.

1. В основе таймшера лежат отношения между таймшерными пользователями курортной (гостиничной) недвижимости и лицами, осуществляющими деятельность по предоставлению им права периодического проживания в средствах размещения и использования услуг гостиничного типа на срок более одного года. Таймшерные права могут быть реализованы субъектом только в течение определенного количества (не менее одной недели) дней в каждом году.

2. Указанный договор возмездный, консенсуальный, публичный; его стороны - потребитель, приобретающий право периодического проживания в местах

размещения, а также использования услуг гостиничного типа, и коммерческая организация, специализирующаяся на предоставлении таких услуг.

3. Договор относится к потребительским договорам, на него должны распространяться нормы Закона Республики Узбекистан "О защите прав потребителей", в который целесообразно внести изменения и распространить его действие на договоры, опосредующие передачу права пользования недвижимым имуществом на определенный период.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Грачева Елена Борисовна, "Договор на приобретение таймшерных прав", дис. Москва, 2004 г, стр 210. (Gracheva Elena Borisovna, "Contract for the acquisition of timeshare rights", dis, Moscow, 2004, page 210.)

2. В.Витко, Е.Цатурян - "Правовое регулирование оказания услуг отпускного размещения (таймшера)", журнал Хозяйство и право №4 - Москва 2014 г, стр 85 (V.Vitko, E.Tsaturyan - "Legal regulation of the provision of vacation accommodation services (timeshare)", journal of Economy and law №4 - Moscow 2014, page 85)

3. М.М. Богуславский "Международное частное право: практика", 1999 г. (M.M. Boguslavsky "International private law: practice", 1999)

Дилшод Эгамбердиев

Тошкент давлат юридик университети
"Фуқаролик процессуал ва иқтисодий
процессуал ҳуқуқ" кафедраси ўқитувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-6-6>

МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА ВАКИЛ СИФАТИДА АДВОКАТНИНГ ИШТИРОКИ

Аннотация. Мазкур мақолада маъмурий суд ишларини юриетишда адвокат иштирокининг таҳлили баён қилинган. Унда маъмурий судларда адвокат иштироки, адвокатларга қўйилган талаблар ёритилган ҳамда асосли таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: маъмурий суд, адвокат, вакил, ихтиёрий (шартномавий) вакил, бюро, фирма.

Эгамбердиев Дилшод

Преподаватель кафедры "Гражданского
процессуального и экономического
процессуального право" Ташкентского
государственного юридического университета

УЧАСТИЕ АДВОКАТА В КАЧЕСТВЕ ПРЕДСТАВИТЕЛЯ В АДМИНИСТРАТИВНЫХ СУДАХ

Аннотация. В этой статье описывается вклад адвоката в административный процесс. Он содержит участие адвокатов в административных судах, запросы адвокатов и существенные предложения.

Ключевые слова: административный суд, адвокат, добровольный (договорной) представитель, бюро, фирма.

Egamberdiyev Dilshod

Teacher of the Civil Procedure and
Economic Procedure Law Department
of the Tashkent State University of Law

PARTICIPATION OF ATTORNEY AS A REPRESENTATIVE IN ADMINISTRATIVE COURTS

Annotation. This article describes the contribution of a lawyer to the administrative process. It contains the participation of lawyers in administrative courts, lawyers inquiries and significant proposals.

Keywords: administrative court, lawyer, voluntary (contractual) representative, bureau, company.

For citation: Egamberdiyev Dilshod. PARTICIPATION OF ATTORNEY AS A REPRESENTATIVE IN ADMINISTRATIVE COURTS. Journal of Law Research. 2019, 6 vol., issue 1, pp. 35-40

Маъмурий низоларини ҳал қилишда судда шартномали (ихтиёрий) вакил сифатида иштирок этиши мумкин бўлган шахслар орасида қонун биринчи навбатда адвокатларни кўрсатади (Маъмурий суд ишларини юриштир тартиби тўғрисидаги Кодекснинг 60-моддаси). Фуқаролар ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатиш асосий вазифаси бўлган ҳамда жамоат ташкилотининг аъзоси ҳисобланган адвокатлар ўз фаолиятини кўп қисмини судда низолари ҳал қилинаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга бағишлайди. Юқорида айтганимиздек, бундай ҳимоя уларни суд процессида вакил сифатида иштирок этиши билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида Адвокатура тўғрисида 1996 йил 27 декабрдаги қонун[1]; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 мартдаги қарори билан тасдиқланган адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларини бериш тартиби тўғрисидаги Низом; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъати ва Ўзбекистон адвокатлар уюшмаси бошқарувининг 1997 йил 14 мартдаги қўшма қарори билан тасдиқланган, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси бошқа ҳуқуқий меъёрлари мустақил республикамизда инсон ҳуқуқларини янада ҳимояқилишга қаратилган ҳужжатлардир.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги қонунда адвокатлик фаолиятининг асосий тамойиллари белгиланиши билан бирга адвокатларнинг мустақиллиги вадахлсизлигини таъминлаш қафолатлари ҳам назарда тутилган.

Олий юридик маълумотга эга бўлган, белгиланган тартибда малакаимтихонини топшириб, лицензия олган Ўзбекистон Республикаси фуқаросиадвокат бўлиши мумкин.

Адвокатлар адвокатура тўғрисидаги махсус қонунчилик асосидафаолият кўрсатувчи профессионал бирлашмани ташкил қиладилар. Адвокатурафаолиятини ва уни ташкил қилишни махсус қонунлар билан тартибга солиш, уни юқори профессионал ва ахлоқий даражасини сақлаш учун зарурдир. Судда маъмурий ишларини тўғри ҳал қилинишида адвокатларнинг иштироки катта аҳамиятга эгадир, шунинг учун адвокатлик фаолияти билан кимларшуғулланиши, уларнинг малакаси ва ахлоқий фазилатлари муҳим аҳамият касбэтади. Лекин "Адвокатура тўғрисида"ги қонунда юқоридаги талаблар ўзифодасини тўла топган дея олмаимиз. "Адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасининг 2-қисмида белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёкимуомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдексудланганлигибекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмаслиги белгиланган[2].

Хорижийдавлатларнинг қонунчилигига назар солсак, бу қоида кенгроқ баёнэтилганлигини гувоҳи бўламиз. Масалан, Францияда 1971 йил 31 декабрда қабул қилинган қонуннинг 11-моддасига асосан ор-номус, кадр-қиммат ваахлоққа тўғри келмайдиган жиноий қилмишларни содир этган, маъмурий ёкиинтизомий жавобгарликка (ваколатлардан маҳрум қилиш, эгаллаб турганлавозимидан озод

қилиш ёки четлатишга) асос бўлувчи хатти-ҳаракатларнисодир этган, шунингдек, ўтмишда банкротликка учраган шахсларга адвокатликфаолияти билан шуғулланишга йўл қўйилмайди.

Жиноий жавобгарликкатортилган шахслар адвокатлик фаолиятини олиб боришга маънан нолойиқбўлиб қоладилар, шунинг учун жиноий иш бўйича судланган шахсларгаадвокатлик фаолияти билан шуғулланишга йўл қўйилмайди. Шунингдекадвокатлик фаолиятини олиб боришга ўзининг ноҳўя хатти-ҳаракатлари биланадвокатура обрўсига доғ тушираётган шахслар ҳам ҳақли эмас[3].

АҚШнинг қонунчилигида адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учунимтиҳон топшираётган номзод жиноий жавобгарликка тортилмаган ва ахлоқанпок инсон бўлиши кераклиги кўрсатилган[4].

Адвокатнинг хулқ-атвори - қонунчилик, одил судлов ва адвокатура ҳақидаги умумий тасаввурни вужудга келтиришини инобатга олган ҳолда, шунингдек, хорижий давлатлар қонунчилигидан келиб чикиб,

"Адвокатура тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасини 3-қисмига қўйидаги қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз:

"Қадр-қиммат ва ахлоққа тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатларни содир этган, ўзининг ноҳўя хатти-ҳаракатлари билан адвокатура обрўсига доғ тушираётган шахслар адвокатурага қабул қилинмайдилар. Маъмурий ёки интизомий жавобгарликка асос бўлувчи хатти-ҳаракатларни содир этган (ваколатларидан маҳрум қилинган, лавозимидан бўшатишган ёхуд ундан четлатилган) шахсларни адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга йўл қўйилмайди".

Таклиф қилинаётган қўшимчаларни киритиш ўзининг ижобий натижаларини беради деган фикрдаммиз, чунки барча ҳолларда профессионал бурчни бажаришнинг муҳим кафолати бўлиб адвокатнинг ор-номуси, виждони, обрўси каби ахлоқий омиллари хизмат қилади.

Адвокатни маъмурий ишлари бўйича иштирок этиши кўрилаётган ишнинг ўзига хос хусусиятлари, объектив хусусиятларига боғлиқва бу ишни юритиш учун махсус шартлар бўлиши керак:

биринчидан, низоли ҳуқуқий манфаат бевосита ёки аналогия бўйича қонунни қўллаш йўли билан моддий ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини топиши;

иккинчидан, бу манфаатни ҳимоя қилиш ва асослаш учун мазкур низоли ҳуқуқий муносабатни тасдиқловчи зарур далиллар тақдим этилиши;

учинчидан, талаб муддатига амал қилиши;

тўртинчидан, исботлаш воситаларига йўл қўйилиши[5].

Маъмурий ишлари бўйича адвокат ёллаш тартибининг жиноий ишлар бўйича ҳимоячи (адвокат) ёллаш тартибидан фарқи шундаки, фуқаро жиноий ишлар бўйича ўзининг манфаатларини дастлабки тергов ёки судда ҳимоя қилиши учун шахсан ўзи адвокат ёллаши лозим. Лекин агар у қамоққа олинган бўлса ёки маълум сабабларга кўра адвокат олиш учун адвокатурага келиш имконияти бўлмаса, унинг номидан қариндошлари ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида шартнома тузиб, ҳимоячи олиши мумкин. Маъмурий ишлари бўйича эса мижознинг шахсан ўзи адвокатурага келиб, вакилликни амалга ошириш ҳақидаги шартномани имзолаши лозим.

Адвокатнинг вакиллик ваколатлари манфаатдор шахс (фуқаро ёки ташкилот) билан адвокат ўртасида топшириқ шартномаси тузилган пайтдавуҷудга келади. Унга асосан бир тараф (вакил) иккинчи тарафнинг (ишонч билдирувчининг) номидан маълум юридик ҳаракатларни бажариш мажбуриятини олади. Бу эса,

адвокатни жиноят ва маъмурий ишлардаги ҳуқуқий ҳолатидаги фарқини кўрсатиб беради: агар адвокатнинг ишлардаги асосий вазифаси мижоз номидан вакиллик қилиш бўлса, жиноятпроцессада адвокат судланувчининг ҳимоячиси сифатида иштирок этади.

Маълумки, ишонч билдирувчи процессда шахсан қатнашишидан қатъиназар адвокатнинг процессуал фаолияти унинг учун бевосита тегишли ҳуқуқ вамажбуриятларни вужудга келтиради.

Юқорида айтганимиздек, адвокат билан мижоз ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳужжат шартнома ҳисобланади. Мазкур шартнома ҳуқуқий маслаҳатхона мудирини ва мижоз томонидан имзоланади ваунда мижозга ҳуқуқий ёрдам кўрсатадиган адвокат аниқ белгиланади. Лекин, адвокат томонидан амалга ошириладиган вакилликни вужудга келиши учунфуқаро ва маслаҳатхона томонидан тузилган топшириқ шартномасини тузилганлик факти етарли эмас. Судда ишни олиб бориш учун ҳуқуқий маслаҳатхона мудирини томонидан ордер берилиши керак.

Адвокат тараф томонидан ихтиёрий танланади ваунга берилган ваколатлар доирасида иш юритади. Адвокат вакил сифатидапроцессда иштирок этар экан, тарафга тегишли бўлган барча процессуалҳуқуқлардан фойдаланади. Бинобарин, судда адвокатнинг ваколатлари ишончбилдирувчи ваколатларининг ҳажми ва ишонч билдирувчининг вакилга қандай ваколатларни берганлиги билан изоҳланиб, мазмунига кўра, бу ўриндавакилнинг ваколатлари умумий ва махсус ҳуқуқларга бўлинади.

Адвокатнинг умумий ҳуқуқларига Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 39-моддасида қайд этилган ҳуқуқлар, жумладан, иш материаллари билантанишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тўғрисидаарз қилиш, далиллар тақдим этиш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни судда кўриш давомида тугиладиган ҳамма масалалар бўйича ўзларининг вазларини баён қилиш ва бошқа ҳуқуқлар киради.

Россиялик олим В.Калитвиннинг фикрича, адвокат вакилликни иш бўйича танлаган йўли (ҳуқуқий позиция) мавжуд бўлгандагина амалга ошириши кераклиги ҳақида сўз боради [6]. Вакилнинг иш бўйича танлаган йўли (ҳуқуқий позиция) шартнома тузишга асос бўлувчи шартларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Иш бўйича танлаган йўл (ҳуқуқий позиция) иккита асосий қисмдан иборат, яъни талабларнинг қонунийлиги ва уларни исботлаш мумкинлиги.

Адвокатнинг фаолиятидаги қонунийлик тамойилига риоя қилинишиунинг фаолиятининг қандай шаклларда намоён бўлишидан қатъи назар,фаолиятидаги тартиб ва қоидаларини белгилаб берувчи қонун нормаларига сўзсиз риоя қилиши кераклигини англатади.

Адвокатнинг фуқаролар ва ташкилотлар манфаатлари, ҳамда фақат қонуний талабларни ҳимоя қилиш мажбурияти ахлоқий тамойиллар, шунингдек тўғридан-тўғри қонун кўрсатмаларидан келиб чиқади. Талабларнинг (этирозларнинг) қонунийлигини адвокат низонинг ҳуқуқий табиати, унинг тааллуқлилиги, келиб чиққан муносабатларни ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинишини инобатта олган ҳолда белгилайди.

Демак, адвокатнинг фуқарони ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга топшириқни қабул қилиб олиш учун зарурий шарт бўлиб, унинг талабларининг

қонунийлиги ҳисобланади. Шунинг айтиб ўтиш керакки, аксарият ҳолларда талабларнинг қонунийлиги ҳақидаги якуний хулосага судда ишни кўрилиши жараёнида далилларни ҳар томонлама текшириш ва уларни баҳолаш натижасида келиш мумкин.

Қонуний талабларни тасдиқловчи далилларни мавжудлиги иш бўйича танлаган йўлининг (ҳуқуқий позиция) зарурий иккинчи элементи ҳисобланади. Адвокатнинг асосий вазифаси - низонинг ҳуқуқий табиатини, унинг тааллуқлилиги, судловлилиги, келиб чиққан муносабатларнинг ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинишини инobatга олган ҳолда, талабларнинг қонунийлигини белгилаш ҳисобланади.

Аниқ бир иш бўйича топшириқ қабул қилиб олишда адвокат исботлаш мажбурияти тўғрисидаги қонун талабини инobatга олиши керак.

Аризачининг вакили сифатида адвокат аризанинг мазмуни ва асосини ташкил қилувчи ҳолатларни исботлаши лозим. Жавобгарнинг манфаатларини ҳимоя қилишда адвокат аризага қарши билдирилган эътирозларга асос бўлган ҳолатларни исботлайди. Тарафлар исботлаши керак бўлган ҳолатлар йиғиндиси низоли ҳуқуқий муносабат мазмуни ва характериға боғлиқ.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, адвокат билан мижоз шартнома тузиши учун адвокатнинг вакилликни иш бўйича танлаган йўли (ҳуқуқий позицияси) мавжуд бўлиши керак.

Лекин баъзи муаллифлар адвокат ҳар қандай иш бўйича вакиллик қилишга топшириқ олиши мумкин, чунки у мижоз талабларнинг қонунийлигини баҳолашда эксперт ҳисобланмайди деган фикрларни билдирадилар [7].

Бундан ташқари, адвокатлар касб этикаси қоидаларида кўрсатилишича ишонч билдирувчининг талаблари қонун билан кўриқланмайдиган бўлса, адвокат маъмурий ишлари бўйича топшириқни қабул қилишга ҳақли эмас. Ҳуқуқий муносабатлар характерини ва бундай топшириқни бажариш учун ҳуқуқий асосларни мавжудлигини аниқлаб, адвокат мижозга иш бўйича зарур бўлган далиллар ва ишни судда кўрилишидаги истиқболлари ҳақида ўз фикрини маълум қилиши керак.

Адвокат куйидаги ҳолларда маъмурий ишини олиб боришга топшириқ олмаслиги керак:

- ишонч билдирувчининг эътирозларини ёки талабларини асослаш учун зарур бўлган фактларни мавжуд эмаслиги аниқланса;

- талаб ёки эътирозларнинг асосини мазкур ҳуқуқий муносабатлар учун қонунда йўл қўйилган далиллар билан тасдиқлаш мумкин бўлмаганда;

- адвокатнинг иш бўйича танлаган йўли (ҳуқуқий позиция) мижознинг иш бўйича танлаган йўли (ҳуқуқий позиция)га зид келса;

- иш бўйича бошқа тарафнинг қариндоши бўлса.

Топшириқни бажаришнинг имконияти йўқлиги тўғрисидаги хулосага келган адвокат бу ҳақда мижозни олдин огоҳ қилиши шарт, чунки уни бошқа адвокатга мурожаат қилишга имконияти бўлиши керак [8].

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги қонуни

7-моддасининг 2-қисмида кўрсатилишича муайян иш бўйича юридик ёрдам кўрсатаётган ёки аввал юридик ёрдам кўрсатган шахсларнинг манфаатлари ишни олиб боришни сўраб мурожаат этган шахснинг манфаатларига зид келган ёхуд адвокат бевосита ёки билвосита шу ишдан шахсан манфаатдор бўлган ва бу ҳол

унга ўз ишини топширган шахснинг манфаатларига зид келадиган ҳолларда юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топшириқни қабул қилишга ҳақли эмас[9].

Лекин юқоридега қоидалар Маъмурий суд ишларини юритиш тартиби тўғрисидаги кодексда ўз ақсини топмаган. Шунинг учун МСИЮТҚда маъмурий ишлари бўйича вакилликни рад қилиш ҳолатлари рўйхатини норматив тартибда мустаҳкамлаб қўйиш керак, деб ўйлаймиз. Бундан ташқари, вакилликни амалга оширишни рад қилиш ёки уни давом эттиришни фақатгина юридик маслаҳатхона мудирининг розилиги билан йўл қўйилишини белгилаш лозим.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил, 2-сон, 54-62-бетлар. (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan. 1997, Issue 2, pages 54-62.)
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 48-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 280-модда; 2008 й., 52-сон, 514-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1997, № 2, Article 48; 2001, No. 1-2, Article 23; 2003, No 5, Article 67; 2004, No. 1-2, Article 18; Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2005, No. 37-38, Art. 280; 2008, No. 52, Article 514; 2009, No. 39, Article 423; National database of legislation information, 12.10.2018, No. 03/18/497/2044; 16.01.2019 y., 03/19/516/2484)
3. И.С.Власов, В.З.Плюнов, Организация адвокатуры в зарубежных страна, -М.: 1989. с. 56.(I. S. Vlasov, V. Z. Pluyanov, the Organization of the legal profession in a foreign country, -M.: 1989. p. 56.)
4. Б.Саломов. Адвокатжурнали №3 (6) 2003й.12-б. (B.Salomov. Advocate Magazine №3 (6) 2003. p.12.)
5. Г. Любарская, Правоваяпозицияадвокататпогражданскомуделу, Советскаяюстиция,1970 г.,№10, -С.10.(G.Lyubarskaya, Legal position advocate in a civil case, Soviet justice,1970, №10, -p. 10.)
6. В.В.Калитвин, Адвокат в гражданском судопроизводстве, - Воронеж. 1989г., -С.10. (V. V. Kalitvin, Lawyer in civil proceedings,- Voronezh. 1989, -p. 10.)
7. Ф.В. Ковин. Институт процессуального представительства в свете Конституции. В сб: ПроблемыГражданского процессуального права в свете Конституции. Свердловск. Свердловский юридический институт.1980. С.53-59. (F. V. Kovin. Institution of procedural representation in the light of the Constitution. In the SB: Problems of Civil procedural law in the light of the Constitution. Sverdlovsk. SverdlovsklawInstitute.1980. p. 53-59.)
8. Юридическая клиника: Сб. материалов по организации новых форм и методов оказания юридическхуслуг населению. Бишкек. 2001г. С.116. Правилаадвокатскойэтики. МеждународныйСоюз (Содружество)адвокатов. (Legal clinic: Sat. materials on the organization of new forms and methods of providing legal services to the population. Bishkek. 2001. P. 116. Rules of lawyer ethics. International Union (Commonwealth) of advocates)
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 48-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 280-модда; 2008 й., 52-сон, 514-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон ((Bulletin of the Oliy Majlisof the Republic of Uzbekistan, 1997, № 2, Article 48; 2001, No. 1-2, Article23; 2003, No 5, Article 67; 2004, No. 1-2, Article 18; Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2005, No. 37-38, Art. 280; 2008, No. 52, Article 514; 2009, No. 39, Article 423; National database of legislation information, 12.10.2018, No. 03/18/497/2044; 16.01.2019 y., 03/19/516/2484)

Фазилов Икром Юсупович,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Жазони ижро этиш бош бошқармаси хузуридаги Пробация
хизмати бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар доктори



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-6-7>

ПЕНИТЕНЦИАР КОДЕКС - ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЖИНОЯТ- ИЖРОИЯ КОДЕКСИ УЧУН ҲОЗИРГИ ИСЛОҲОТЛАРГА ҲАМОҲАНГ НОМ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларининг рус тилидаги таҳририда "уголовный" сўзи қўлланилганлигини етарли асосларга кўра маъқуллаб бўлмаслиги, шунингдек ушбу кодексларнинг ўзбек ва рус тилларидаги номи мазмунан бир-бирига мувофиқ келмаслиги асосланган.

Калит сўзлар: Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Пенитенциар кодекси, жиноят-ижроия қонунчилиги, атама ва тушунчаларнинг ҳуқуқий маъноси, пенитенциар, пушаймон бўлиш, пенитенциар субъектлар, пробация назоратидаги шахслар, ижтимоий мослаштириш воситалари, қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш

Фазилов Икром Юсупович,

Министерства внутренних дел Республики Узбекистан
Заместитель Службы Пробации
при Главным управлении исполнения наказания
доктор юридических наук

ПЕНИТЕНЦИАРНЫЙ КОДЕКС - ЭТО ИМЯ, КОТОРОЕ СИНХРОНИЗИРУЕТСЯ С НЫНЕШНИМИ РЕФОРМЫ ДЛЯ НОВОЙ РЕДАКЦИИ УГОЛОВНО- ИСПОЛНИТЕЛЬНОГО КОДЕКСА

Аннотация: В статье аналируется недостаточной обоснованности применения слова "уголовный" в редакции Уголовного, Уголовно-процессуального и Уголовно-исполнительного кодексов Республики Узбекистан на русском языке, а также несоответствии содержания названий этих кодексов на узбекском и русском языках.

Ключевые слова: Уголовный кодекс, Уголовно-процессуальный кодекс, Уголовно-исполнительный кодекс, Пенитенциарный кодекс, Уголовно-исполнительное законодательство, правовой смысл терминов и понятий, пенитенциарный, сожаление, пенитенциарные субъекты, лица контролируемые пробацией, средства социальной адаптации, выявление риска совершения повторных преступлений.

THE PENAL CODE - IS THE NAME THAT IS SYNCHRONIZED WITH THE CURRENT REFORMS FOR THE NEW EDITION OF THE PENAL CODE

Annotation: This article analyzes the insufficient validity of the use of the word "criminal" in the Criminal, Criminal procedure and Penal enforcement codes of the Republic of Uzbekistan in Russian, as well as the inconsistency of the content of the names of these codes in Uzbek and Russian languages.

Key words: Criminal code, Criminal procedure code, Criminal Executive code, Penitentiary code, the Criminal Executive legislation, the legal meaning of terms and concepts, penitentiary, remorse, prison entities, individuals monitored by probation, the means of social adaptation, the identification of risk of committing repeated crimes.

For citation: Fazilov Ikrom Yusupovich. THE PENAL CODE - IS THE NAME THAT IS SYNCHRONIZED WITH THE CURRENT REFORMS FOR THE NEW EDITION OF THE PENAL CODE. Journal of Law Research. 2019, 6 vol., issue 1, pp. 41-45

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сонли қарориди янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган (8-банди) [1].

Ҳозирги вақтда ушбу кодекснинг янги тахрирдаги лойиҳаси бўйича таклиф ва тавсияларни билдириш, янги илмий қарашларни илгари суриш норма ижодкорлиги фаолияти учун муҳим амалий аҳамиятга эга.

2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сон қарор билан маъқулланган "2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси"да турлича талқин қилинадиган ёхуд уларни қўллаш бўйича тушунтириш талаб этувчи нормалардан воз кечиш (1.2-банди), жиноят-ижроия қонунчилигида фойдаланиладиган атама ва тушунчаларнинг ҳуқуқий маъносини аниқ ифодалаш ва уларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш (1.3-банди), жиноят-ижроия қонунчилигидаги ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш (4-банди) назарда тутилган.

Илмий-амалий тадқиқотлар натижаларига таяниб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларининг рус тилидаги тахририда "уголовный" сўзи қўлланилганлигини етарли асосларга кўра маъқуллаб бўлмайди.

Биринчидан, ҳуқуқий терминологияга XVIII асрнинг охириги чорагида кириб келган[8], "уголовный" тушунчаси ўз этимологиясига эга эмас, яъни ушбу сўзнинг келиб чиқиши ҳозиргача аниқланмаган[4]. Жумладан, "уголовный" сўзининг келиб чиқиши бўйича қуйидаги илмий қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг биронтаси ҳам умумэтироф этилмаган:

а) "ҳаёт (бош) билан жавоб берадиган қонунлар" "уголовный" деб номланишидан келиб чиққан[6];

б) "уголовить" феълидан келиб чиққан бўлиб, "хафа қилиш", "жаҳлини чиқариш" маъносини билдиради[3];

в) "уголовь", "уголовье" сўзларидан келиб чиққан бўлиб, "ўлим жазосига маҳкум бўлган", "огир жазога тортилган" деган маънони билдиради[9].

Иккинчидан, ўзбек тилида "уголовный" сўзининг маъносини айнан акс эттирувчи сўз мавжуд эмас. Ўйлашимизча, кодексларни номлаш вақтида қонун чиқарувчида иккита вариант бўлган: биринчиси - "уголовный" сўзини умумэтироф этилган халқаро термин сифатида тан олиш ва уни қўллаш, иккинчиси - "уголовный" сўзи ўрнида бошқа муқобил сўз (жиноят, жазо каби)ни қўллаш. Бироқ, қонун чиқарувчи фақат биттасидан фойдаланиш имкони бўлган ушбу вариантларнинг иккаласини ҳам танлаб, кодексларнинг давлат тилидаги таҳририда "жиноят" сўзини, рус тилидаги таҳририда "уголовный" сўзини қўллаган.

Оқибатда Жиноят кодексининг номи рус тилига сўзма-сўз таржима қилинганда "преступный кодекс", "кодекс преступления"ни англатади[1]. Жиноят-процессуал кодекси ва Жиноят-ижроия кодексига ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин. Янада кўпроқ эътирозга сабаб бўладиган томони шундаки, кўриб чиқиладиган кодексларнинг номини рус тилидан ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилиб бўлмади ("уголовный" сўзининг маъносини айнан акс эттирувчи сўз мавжуд эмаслиги сабабли).

Яққол кўришиб турибдики, Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларининг ўзбек ва рус тилларидаги номи мазмунан бир-бирига мувофиқ келмайди.

Учинчидан, Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларининг ўзбек тилидаги номининг мазмуни бўйича айтиш мумкинки, қонуннинг ўзи жиноят ёки жиноятни қонуни бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, жиноят-процессуал - жиноят жараёни, жиноят-ижроия - жиноятни ижро қилиш деган эътирозли маънога олиб келади.

Тўртинчидан, дунёнинг аксарият тилларида жиноят билан боғлиқ ҳуқуқ соҳасини номлашда "жиноят" (criminal) ёки "жазо" (penal) сўзидан келиб чиқилади. "Жиноят гоёси" жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия ҳуқуқи соҳаларининг моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди. Шу боис, аксарият хорижий мамлакатларда Жиноят кодекси ва Жиноят-ижроия кодексининг номланиши учун "жазо гоёси" асос қилиб олинган:

- Жиноят кодекси номланишида Аргентина (Codigo Penal), Бельгия (Code p?nal), Исландия (General Penal Code of Iceland), Испания (Codigo Penal de Espa?a), Италия (Codice Penale), Мексика (Codigo Penal Federal), Перу (Codigo Penal del Per?), Покистон (Pakistan Penal code), Сингапур (Penal code of the Republic of Singapore), Туркия (T?rk Ceza kanunu), Франция (Code p?nal), Чехия (Czech Penal Code), Чили (Codigo Penal de Chile), Эстония (Penal Code), Япония (Penal code), Ҳиндистон (Indian Penal code) каби давлатларда жазо тушунчаси қўлланилган, шунингдек инглиз, француз, испан каби жаҳон тилларида "penal" тушунчасидан фойдаланилганлиги унинг умумэтироф этилган халқаро атама эканлигидан далолат беради;

- Жиноят-ижроия кодекси номланишида Туркия (Ceza ve g?venlik tedbirlerinin infazi hakkinda kanun), Япония (Act on Penal Detention Facilities and the Treatment of Inmates and Detainees), Эстония (Пенитенциарный кодекс), Тожикистон (Кодекс исполнения уголовных наказаний Республики Таджикистан),

Озарбайжон (Кодекс Азербайджанской Республики об исполнении наказаний), Молдова (Исполнительный кодекс Республики Молдова), Грузия (Кодекс о заключении под стражу), Латвия (The Sentence Execution Code of Latvia) каби давлатларда жазо, пенитенциар ёки шунга яқин тушунчалардан фойдаланилган.

"Пенитенциар" тушунчаси лотинча "penitentia" сўзидан олинган бўлиб, "пушаймон бўлиш", "тавба қилиш" (раскаяние) маъносини англатади[5]. Аҳамиятли томони шундаки, жазо ва жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашдан асосий мақсад маҳкумни ахлоқан тузатиш, бошқача айтганда унинг пушаймон бўлишини ва жиноят содир этиш йўлидан қайтишини таъминлаш ҳисобланади.

Халқаро амалиётда жазолар ва жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи органларни "пенитенциар органлар", шунингдек жиноят-ижроия тизимини "пенитенциар тизим" деб аташ умумэтироф этилган.

Мамлакатимизда "пенитенциар" тушунчаси илмий муомалага киритилган. Жумладан, 2017 йилда Тошкент давлат юридик университети изланувчиси Н.С. Салаев "Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш" мавзусида юридик фанлар доктори диссертациясини ҳимоя қилган[7].

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, Жиноят-ижроия кодексини номлашда "жазо", бошқача айтганда, пушаймон бўлиб жиноят содир этиш йўлидан қайтиш гоёсини асос қилиб олиб, халқаро амалиётда умумэтироф этилган "пенитенциар" тушунчасидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Шунга кўра, ушбу кодексининг номланишини Ўзбекистон Республикаси Пенитенциар кодекси деб белгилашни таклиф этамиз.

Мухтасар айтганда, ушбу таклифнинг инobatта олинishi нафақат замонавий халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибани миллий қонунчиликка имплементация қилишга, балки халқаро амалиётдаги самарали ҳуқуқий институтлар (пенитенциар субъектлар, пробация назоратидаги шахслар, ижтимоий мослаштириш воситалари ҳамда уларни қўллаш, қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш)ни жорий этишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сонли қарори [Электрон манба] // URL: <http://lex.uz> (мурожаат қилинган вақт: 21.05.2019). (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures for radical improvement of Criminal-executive legislation" dated November 7, 2018 [Electronic source] // URL: <http://lex.uz> (reference time: 21.05.2019))

2. Ахмедов Г., Саидов А. Проблемы узбекской юридической терминологии // Бюллетень Верховного Суда Республики Узбекистан. - 1992. - № 3. - С. 92.(Akmedov G., Saidov A. Problems of Uzbek legal terminology // Bulletin of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan. - 1992. - № 3. - P. 92.)

3. Даль В. Толковый словарь живого великорусского языка. - М., 1882. - С. 467.(Dal V. Explanatory dictionary of the living great Russian language. - M., 1882. - P. 467.)

4. Нарбутаев Э.Х. Борьба с преступностью: закон и практика. - Т, 1991. - С. 70.(Norbutaev E.H. The Fight against crime: law and practice. - T, 1991. - P. 70.)

5. Пенитенциарная система [Электронный ресурс] // URL: <https://ru.wikipedia.org> (дата обращения: 21.05.2019).(The penal system [Electronic resource] // URL: <https://ru.wikipedia.org> (date accessed: 21.05.2019))

6. Российское уголовное право. Общая часть. - М., 1994. - С. 3; Якубов А.С. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси, унинг вазифалари, принциплари ва тизими, жиноят ҳуқуқи фани // Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. - Б. 12-14. (Russian criminal law. Common part. - М., 1994. - P. 3; Yakubov A.S. The concept of criminal law, its functions, printing and system, the science of Criminal Law // Criminal Law. General part: textbook. - Т: Academy of IA of the Republic of Uzbekistan, 2009. - P. 12-14)

7. Салаев Н.С. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш: юридик фанлар доктори диссертацияси автореферати. - Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2017. - 58 б. (Salaev N.S. Increase the effectiveness of the profylactic function of the penitentiary system: The abstract of the doctor of law dissertation. - Т: Tashkent State University of Law, 2017. - 58 p)

8. Уголовное право [Электронный ресурс] // URL: <https://ru.wikipedia.org> (дата обращения: 21.05.2019). (Criminal law [Electronic resource] // URL: <https://ru.wikipedia.org> (date of application: 21.05.2009).)

9. Якубов А.С. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси, унинг вазифалари, принциплари ва тизими, жиноят ҳуқуқи фани // Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. - Б. 12-14. (Yakubov A.S. The concept of criminal law, its functions, printing and system, the science of Criminal Law // Criminal Law. General part: textbook. - Т: Academy of IA of the Republic of Uzbekistan, 2009. - P. 12-14.)

Нарзиева Марварид Ммуродовна

Преподаватель Академии МВД
Республики Узбекистан, майор



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-6-8>

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ПРАВОВОЙ БАЗЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ СЛУЖБЫ ОХРАНЫ В УЗБЕКИСТАН

Аннотация. В статье анализируется спрос на охранные услуги в Узбекистане. Социально-экономические вопросы и тарифы для предоставления охранных услуг. Предупреждать преступления которые посягают на личность, права и свободы человека, а также на право собственности и неприкосновенность жилища.

Ключевые слова: вневедомственная охрана, отечественные и зарубежные охранные услуги, государственные субъекты обеспечения имущественной безопасности, законы, нормативные акты, субъекты охранного деятельности.

Нарзиева Марварид Ммуродовна

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси ўқитувчиси, майор

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда қўриқлаш хизматларига бўлган талабларни таҳлил қилинган. Ижтимоий-иқтисодий масалалар ва кўрсатилаётган қўриқлаш хизматлари учун белгиланган таърифлар, шахснинг ҳаётига, дахлсизлигига, ҳуқуқ ва эркинликларига, шунингдек, мулкка бўлган ҳуқуқларига ва унинг дахлсизлигига путур етказадиган жиноятларнинг олдини олиш.

Калит сўзлар: табелдан ташқари қўриқлаш бўлинмалари хизмати, ички ва хорижий қўриқлаш хизматлари, давлат мулкӣ таъминот субъектлари, қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қўриқлаш фаолияти субъектлари.

Narziyeva Marvarid Murodovna

The teacher of the Academy of Internal Affairs
Republic of Uzbekistan, major

MODERN LEGAL FRAMEWORK CONDITIONS AND THE PROSPECTS OF A SECURITY IN UZBEKISTAN

Annotation. The article analyzes the demand for security services in Uzbekistan. Socio-economic issues and tariffs for the provision of security services. Prevent crimes that infringe on the person, human rights and freedoms, as well as the right to property and the inviolability of the home.

Keywords: private security, domestic and foreign security services, state subjects of property security, laws, regulations, subjects of security activities.

Государственные и общественные структурам не помешало бы совершенствовать свои кадры, сегодняшним скоростном развивающим двадцать первом - информационное технологическим веке, в условиях сложной внешнеполитической обстановки, возрастания угроз криминального и террористического характера, который могут повлиять на новых форм проявления угроз. Поэтому сегодня наиболее актуальными в государственном регулировании в области охранной деятельности становятся: обеспечение надежной охраны объектов и имущества, совершенствование методов их противокриминальной и антитеррористической защищенности и контроля ее состояния.

Вместе этим сегодня на рынке охранных услуг республике наблюдается пассивная тенденция, смещения акцентов в области обеспечения безопасности имущество и защиты жизни граждан.

Можно сказать мало кого волнует в место низкой не качественной услуг или высокая стоимостью предоставляемых услуг по охране объектов и имущества, в меньшей степени обеспокоены вопросами обеспечения их безопасности и сохранности, а в больше волнует- коммерческие интересы, связанным с прибылью.

Нужно почеркнуть современном обществе данное время очень важно защиты жизни и имущество. Простой пример: Если одно нападения совершаемые групповых лиц, относятся к числу корыстно-насильственных преступления [8]. Которые активна влияют и противостоят правопорядку и общественному, социально-экономическому развитию общество. В структуре корыстно-насильственных преступлений разбойные нападения на жилища граждан являются наиболее общественно опасными и приведут к многочисленными последствиям. Эти преступления посягают на личность, ее права и свободы, а также на право собственности и неприкосновенность жилища. Последствия групповых разбойных нападений на жилища граждан являются значительными и зачастую связаны с причинением вреда здоровью, а порой и наступлением смерти. Лица, совершающие данные преступления, распространяют стереотипы агрессивно-насильственного поведения, приносящего заметный вред обществу в целом.

Связи выше указанными суждениями мы должны определить почему нужна регулировать направления деятельности службы вневедомственной охраны (СВО) НГ Республике Узбекистан. В данной ситуации в связи с увеличивающейся конкуренцией и ограничениями, вводимыми законодательством в области антимонопольной политики, считаем, что сфера деятельности службы вневедомственной охраны должна быть четко очерчена и соответственно закреплена рядом нормативных правовых актов.

Необходимо отметить, в республике данное время тарифы на услуги вневедомственной охраны выше чем у частных охранных организаций и ряда других субъектов охранной деятельности. Это обусловлено рядом объективных причин, связанных с обеспечением возможности сотрудникам вневедомственной охраны реализовывать широкий круг прав, полномочий и обязанностей, предоставленных и возложенных на них государством.

